

М.А. Раҳматуллаев

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ
ЕТТИ ЖИҲАТИ**

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2009

74.04
P27

Рахматуллаев, Марат Алимович.

Масофавий таълимнинг етти жиҳати

М.А. Рахматуллаев, — Тошкент : Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. — б.

ББК74.04+32.973.202

Ушбу рисолада масофавий таълим билим бериш ва билим олишнинг замонавий технологияси сифатида баён этилган. Илғор тажриба таҳлили асосида муаллиф масофадан туриб ўқитишнинг етти жиҳатини ажратиб кўрсатган, улар тобора ривожланиб бораётган технологияни кўпроқ акс эттиради. Масофадан туриб ўқитишни ривожлантириш соҳасида бевосита шуғулланган ва ишлаётган, ушбу соҳада кўп йиллик Интернетдан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган жаҳоннинг етук олимлари томонидан бажарилган ишларни тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Билим олиш янги тизимининг ўқув юртлари ташкилий тузилмасига, таълим даражаси самарадорлигини оширишга таъсир қилиш жиҳатлари ва ўқув жараёни билан боғлиқ бошқа баъзи омиллар очиб берилган.

Рисола масофавий таълим тизимларини жорий этиш бўйича иш олиб бориладиган ўқув юртлари раҳбарларига, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларига, шунингдек кутубхона ходимларига мўлжалланган.

ISBN-978-9943-06-247-4

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009 й.

Мундарижа

Сўз боши	4
1. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ.....	7
2. АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ	14
3. ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ	21
4. КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ	26
5. ТАЛАБАЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР	30
6. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШ.....	33
7. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	38
Хулоса	43
Масофавий таълимда қўлланиладиган атамалар.....	45
Фойдаланилган адабиётлар.....	56

СЎЗ БОШИ

Интернет ва Web технологияларининг тараққиёти билимларни олиш ва қабул қилишнинг ҳамда ўқитишнинг янги шакллари падо бўлишига олиб келди. Ушбу шакллар нафақат техник режанинг, балки билимларни олиш ва ўзлаштиришнинг методологияси ва психологияси ўзгаришига сабаб бўлди. Ахборот технологиялари ютуқлари билан узвий боғлиқ бўлган масофавий таълимнинг пайдо бўлиши масофадан туриб билим олиш учун катта имкониятлар яратибгина қолмай, балки бир қатор муаммо ва масалаларни кўндаланг қўйди. Уларга жавоб бермай туриб, биз таълимнинг илғор шаклларига маданиятли бир тарзда ўтиш ҳақида гапира олмаймиз.

Ҳисоблаш техникаси ва Интернетнинг ривожланиши нафақат ахборотни қайта ишлаш муҳитига, балки турмушнинг бошқа соҳаларига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшди. Айниқса бу таълим тизими ва билим олиш механизмларига таъсир кўрсатди. Янги ахборот технологиялари таълим жараёнини вақт ёки жойлашган жойига боғлиқликдан халос қилди. Бироқ, айтиб бериш керак, ахборот технологиялари ўқув жараёнида иштирок этаётганлар олдига янги қўшимча талаблар қўйди.

WWW технологияси бундан 500 йилдан кўпроқ вақт ўтгандан бери, яъни китоб чоп этиш пайдо бўлганидан буён билим ва таълим олиш тизимига энг катта ўзгаришлар киритган бўлса эҳтимол. Одатда одамларнинг бирор бир ўзгаришларга қисқа вақтда мослашиши қийин кечади. Кишилар ўзларининг анъаналари, усуллари, қадриятлари ва эътиқодларини ҳимоя қилиш тенденциясига эга ва янги мафкурага ўтиб, қалтис ишга қўл уришни хоҳламайди, шу сабабли уларнинг ўзгаришларга қарши курашиши ажабланарли ҳол эмас. Бу масофавий таълим технологияларига ҳам тааллуқли.

Масофавий таълим(МТ) нафақат компьютер тизими орқали (одатда Интернет ёрдамида), шу билан бирга ахборот технологияларига алоқадор бўлган бошқа таълим жараёнлари орқали амалга оширилади. Масофавий таълимнинг ривожланган тизимларида консультация хизматлари, библиография ва бошқа ахборот таъминотлари қўлланилади. МТга ўтиш ижтимоий ўзгаришларга, билим олишда мутлақо янги ёндашувларга олиб келади.

Олий ўқув юртлари маъмурияти, факультет деканати ва профессор-ўқитувчилари МТни муваффақиятли жорий этиш учун уларнинг ўқув дастурларини қайтадан кшириб чиқиш талаб этилишини яхши билишади. МТ тизимига ўтиш нафақат таълимнинг янги воситаларини қўллашни, энг муҳими ўқитиш технологиясида, ўқитувчиларнинг ҳам, таҳсил олувчиларнинг ҳам онгида ўзгаришлар ясашни талаб қилади.

Охирги пайтларда етакчи Ғарб мамлакатларида ҳам, иқтисодиёти ўтиш босқичида бўлган мамлакатларда ҳам МТ тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда кескин жонланиш юз бермоқда. МТ тизимлари кутубхона функцияларини автоматлаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ, чунки ҳар икки ҳолда ҳам маълумотлар (электрон дарсликлар, қўлланмалар, маълумот ахборотлари ва ҳоказолар)ни тизимлаштириш ва таснифлашга тўғри келади. Турли университет ва кутубхоналарда кўп ҳолларда биринчи қарашда мазкур кутубхона ёки олий ўқув юртининг эҳтиёжларини тўла қондирувчи хусусий кутубхона форматлари, каталогларни яратиш ва қайта ишлаш дастурлари яратилади. Бу одатда бошқа маълумотлар базасига, халқаро кутубхона тизимларига кириш учун ахборот-лингвистик номувофиқликка олиб келади, жаҳон ахборот маконига йўл ёпилади. Кўпинча электрон дарсликлар дейилганда илмий асосланмаган методикадан фойдаланган ҳолда сканирланган ахборотларнинг тизимлаштирилмаган тўплами тушунилмоқда. Бундан ташқари маълумотларни излаш ва сақлашнинг замонавий технологиялари талабларига жавоб бермайдиган дастурий воситалар яратилмоқда ва улардан фойдаланилмоқда. Бу оқланмаган сарф-харажатларга, ахборотларни такрорлашга, ахборотни излаш ва қайта ишлаш тезлиги йўқолишига олиб келади. Тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш мақсадида бундай бутун бошли дасрликлар, журналлар, мақолалар сканирланади; яратилган маълумотлар базасидан керакли ахборотни қандай қилиб топиш мумкин, деган муҳим масалани ҳал этиш ҳақида умуман бош қотирилмайди. Албатта, ахборот ҳажми кам бўлганда бу катта қийинчилик туғдирмайди. Бироқ одатда жиддий маълумотлар базаси узок вақтга ҳамда узлуксиз тўлдириш ва ривожлантириш учун яратилади. Шу сабабли МТ тизимлари ривожига кутубхона жара-

ёнларини автоматлаштириш масалалари билан узвий алоқада қараш зарур ва боз устига режалаштириш, ахборотларни тизимлаштириш, тезкор фойдаланишни ва самарали излашни ташкил этиш вазифалари етакчи ўринлардан бирига олиб чиқилиши керак.

МТ тизимларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш масалаларига ўзларини бағишлаган турли муаллифларнинг ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш еттига асосий жиҳатга урғу бериш мумкинлигини кўрсатди. МТ тизимига ўтишга доир ишларни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур:

- стратегик режалаштириш;
- ахборот таъминоти;
- ўқув дастурлари;
- кадрларни қайта тайёрлаш;
- талабаларга кўрсатиладиган хизматлар;
- масофавий таълим тизимида талабаларни ўқитиш;
- Масофавий таълим тизимида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Мазкур монография МТ тизимларини тузишга доир методик қўлланма эмас. Унда МТнинг концептуал масалаларига кўпроқ эътибор қаратилди ва жаҳоннинг етук олимлари томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинди. Улар МТ тизимида Интернетдан фойдаланиш бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлиш билан бирга билим олишнинг янги тизимини қўллаган ўқув юртларида МТнинг ташкилий тузилмага, таълим даражаси самарадорлигига таъсирини ҳамда ўқув жараёни билан боғлиқ бошқа муҳим омилларни ўрганган. Амалга оширилган таҳлиллар, етакчи университетлар тажрибаси ва тадқиқотлари асосида МТни ривожлантиришнинг турли йўналишларига доир баъзи тавсиялар берилди.

Ўз университети, институти ёки коллежининг ўқув жараёнида МТни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга, билим олиш механизмларини кенгайтириш учун МТ усулларидан фойдаланишга, таълим жараёнида Интернет имкониятларидан фойдаланишнинг илғор технологияларини қўллашга қарор қилиб, муҳим қадам ташлаган ташаббускор кишилар учун мазкур таҳлил материаллари ва таклифлар фойдали бўлади, деган умиддан.

Муаллиф

1. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

Фаолиятни тўғри режалаштириш ҳар бир ишни бошлашда доим муваффақият келтиради. Бу мураккаб ташкилий тузилмага ва кўплаб алоқаларга эга тизим сифатида МТга ҳам тааллуқли. МТ тизимларини жорий этиш бўйича етакчи мамлакатлар тажрибаси айнан стратегик режалаштиришда йўл қўйилган хатолар ҳам катта моддий зарар келтиришини, ҳам беҳуда вақт сарфланишига сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда.

МТ тизимида режалаштириш нима дегани?

Стратегик режалаштириш бу — МТ ташкил этишда функциялар, мажбуриятлар ва ресурсларни тақсимлаш, шунингдек ушбу функциялар ва вазифаларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилашдир.

МТни стратегик режалаштириш қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

- МТ технологияларини муваффақиятли рўёбга чиқариш учун қандай моддий ресурслар бизга зарур?
- Ушбу ресурсларни қандай самарали тақсимлаш мумкин?
- МТни рўёбга чиқаришда функцияларни ким бажаради ва уларнинг роли қандай? Ишларни ташкил этиш учун ким жавобгар ва қай даражада жавобгар?
- Белгиланган мақсадлар ва вазифалар қандай муддатларда бажарилиши керак?

МТ тизимига ўтиш ўқитиш ва билим олиш технологиялари масалаларини кўриб чиқишни назарда тутибгина қолмай, балки маъмурий бошқарувда, маъмурият ва ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ишида ўзгаришларга, маблағларни тақсимлашга олиб келади. Яъни, сўз стратегик режалаштиришга янгича ёндашувлар ҳақида бормоқда. De Neufville (1986) «режалаштириш — жамият учун қарорлар сифатини яхшилаш ва унинг келажагига тайёргарлик кўришга мўлжалланган сай-ҳаракатлар мажмуидир» деб таъкидлайди. Шундай қилиб, стратегик режалаштириш нафақат бўлғуси хатти-ҳаракатлар хронологиясини, балки қарорлар ва ҳолатларни яхшилаш тизimini белгилаб бериши керак.

МТ масалалари билан илмий тадқиқот мавзуси сифатида шуғулланувчи бир қатор олимлар МТни стратегик режалаш-

тириш энг муҳим босқич деб ҳисоблайдилар (Aoki & Pogroszewski, 1998; Nache, 2000; Miller, 1998; Moore, 1994, Richart, 2002; Saba, 2000). Nache (2000). Ректорат ва деканат, шунингдек ўқитувчилар ишни МТга алоҳида назар ёки МТнинг концепциясидан бошлаганларида, МТ технологияларини жорий этиш охир оқибат ташкилий маданиятда ўзгаришларга олиб келишини тушунишлари керак, деб изоҳ беради. МТ маъмурий ва ташкилий тузилмаси ўқитувчи, талаба, декан ва ҳоказоларнинг мулоқотига йўналтирилган ҳолда қурилган анъанавий таълимнинг мавжуд дастурлари образига айланиб қолиши мумкин эмас (Miller, 1998; Saba, 2000; Aoki ва Pogroszewski, 1998; Moore, 1994). МТни жорий этишда маъмурий бошқарув, талабалар учун хизматлар, синфдан ташқари ўқитиш, консалтинг тизим – барча ушбу соҳалар МТни муваффақиятли рўёбга чиқариш учун таҳлил қилинган ва зарур бўлса ўзгартирилиши керак. МТ концепциясининг ўзини кўриб чиқишда рўй бериши мумкин бўлган ташкилий ва ўқув дастурларидаги ўзгаришларни, шу билан бирга инсон ресурсларини ҳамда моддий ресурсларни тақсимлашдаги ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш зарур (Bloomfield, 1993).

Berge and Mrozowski (2001), Care and Scanlan (2001), Chute et al. (1999), Robinson (2000), Verduin and Clark (1991), Walton (2001), and Willis(2000) режалаштириш босқичи МТда алоҳида аҳамиятга эга деб қайд этадилар, Gellman-Danley, ва Fetzner (1998) самарали режалаштириш ва олий ўқув юртарининг ташкилий сиёсатини ривожлантириш масофадан туриб ўқитишнинг яхши бошқариладиган дастурини яратиш имконини беради деб таъкидлайди. Бу режалаштириш моддий ресурсларни самарали сарфлаш имконини беради (масалан, кўп йиллар давомида белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш учун бир қанча пакетни эмас, МТ бўйича дастурларнинг бир пакетини харид қилиш лозим).

МТ даврида ўқув юртарининг ташкилий тузилмаси ва умуман таълим тизими қандай бўлиши керак? Алоҳида кафедра-лар, факультетлар ва ҳатто университетлар бир-бирлари билан қандай муносабатда бўлишлари керак? МТ тизимидан фойдаланиш функциялари, мажбуриятлари ва ҳуқуқларини қандай тақсимлаш мумкин? Электрон ресурсларни тузиш ва

улардан фойдаланишни ким назорат қилиши керак ва МТнинг мазмуний негизини шакллантириш механизмлари қандай?

Америкада олий таълим тузилмаси XVII асрда биринчи университет (Farrington ва Yoshida, 2000) очилгандан буён нисбатан ўзгармаган ва барқарордир. Мазкур тузилма оммавий ишлаб чиқариш асрида, ахборот чекланган, молиялаштириш учун кенг манбалар мавжуд бўлган ва таълим технологияларига кичик ўзгартиришлар киритилган даврда ташкил топди (Richart, 2002). Бугунги кунда инновациялар ва рақобат таълим муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. Шу сабабли жамият олий таълим тизими учун жиддий талабларни белгилайди ва катта самара кутади (Carr-Chellman, 2000). Олий таълим муассасалари катта муаммоларга ва тузилмавий ўзгаришларга шай бўлиши керак (Bates, 1997; Kriger, 2001). Ташкилот режаларига МТни жорий этиш билан уларнинг тузилмаси қайта кўриб чиқилиши мумкин (Hanna, 1998; Prestera & Moller, 2001; Saba, 2002).

Таълим тизими ҳолатининг МТ жорий этилгандан олдин ва ундан кейинги таҳлили МТ университетнинг ташкилий тузилмасига ва унинг ташқи дунё билан ўзаро муносабатига анча жиддий ўзгаришлар киритишини кўрсатмоқда. Бозор талаби аввал таълимга дахлдор бўлмаган йўналишларда ўзини намोён эта бошлайди (Hanna, 1998; Thompson, 1999). Олий таълим интенсив рақобат ва тижорат ривожини туфайли глобал иқтисодиётга тобора кўпроқ кириб боради (Bates, 1997; Rumble, 2000; Taylor & Swannell, 2001; Turoff, 1998). Олий таълим ҳокимиятининг тақсимланиши ҳам яқка тартибдаги шахслар билан, ҳам ташкилотлар билан қайта кўриб чиқилади, бошқарувчилар ўзларининг эскирган ёндашувлари билан жиддий равишда қайта ўрганиши ва «йўналиш»ни ўзгартириши ёки ўрнини бўшатиб бериши керак (Carr-Chellman, 2000; Hughes, 2001). Олий таълим тобора ҳамкорлик, технологиялар ва тузилмавий ислоҳотларга боғлиқ бўлиб бораверади.

Заиф муассасалар ва бўлимларни кучлироқ қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва қайта-қайта харажат қилишнинг олдини олиш учун ҳамкорлик юзага келади. Талабаларга бундай хизматлар кўрсатувчи олий ўқув юртлари онлайн талабалар учун ўз ресурсларини бирлаштира олиш мақсадида Консор-

циумлар тузадилар (Farrington & Yoshida, 2000; Hanna, 1998). Талабалар виртуал даражага етиш учун уларнинг алоҳида-алоҳида дастурларини бирлаштиришга қодир бўлади. Яъни улар турли муассасаларнинг курслари ва дастурларини бирлаштириб, ҳар бир талабанинг уникал дастурини яратадилар (Garrison, 1989; Hawkins, 2000).

Ўқув режаси ва инструкциялар ҳам ўзгаришларга учрайди. Ўқитувчининг роли ҳар доим ҳам онлайн муҳитига боғлиқ бўлавермайди. Ўқитувчи учун ўқув материални яратиш жиддий ўзгаришларга учрамайди. Ўқув режасининг мазмуни билан шуғулланувчи мутахассислар қайси материал онлайнда тақдим этилишини ҳал қилади. Методик дизайнер ушбу материаллар тақдимотини лойиҳалаштиради ва техник мутахассис бевосита онлайн курсларни яратади.

Ушбу фикрга қарши чиқиш мумкин, чунки бизнинг фикримизча, ўқитувчидан бошқа ҳеч ким онлайнда яхши тақдимот ўтказа олмайди ва унинг материали ўзлаштирилишини ҳеч ким унингчалик назорат қила олмайди. Шу сабабли яқин келажакда ўқитувчига воситачисиз ўзининг ўқув онлайн курсини тузиб чиқиш имконини берувчи воситалар ривожлантирилади.

Ўқитувчи тегишли курсдан таҳсил олувчи талабалар билан онлайн алоқа ўрнадади (Grunert, 1997; Kriger, 2001; Тэйлор и Swannell, 2001; Young, 2002). Шундан бошлаб ўқитувчи маърузалар ёзиш ва курс материалларини яратиш учун вақт сарфлаб ўтирмайди, улар билан яккама-якка муносабатларга киришиш учун онлайн талабалар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга кўпроқ вақт сарфлайди (Farrington ва Yoshida, 2000; Reigeluth ва Avers, 1997). Таълим якка тартибдаги жараёнга айланиб, ўқитувчи ва талаба машғулотларни ўтказиб юбормайди (Darnell ва Rosenthal, 2000; Rogers, 2001).

Талабалар учун кўпгина хизматлар ана шу хизматларни яратувчилардан холи тарзда амалга оширилиши мумкин. Масалан, виртуал китоб дўконлари кўпчилик олий ўқув юртлари учун фаолият кўрсатади. Онлайн машғулотларга қатновчи техник мутахассислар олий ўқув юрти ходими бўлмаслиги мумкин. (Darnell and Rosenthal, 2000; Graves, 2000; Lloyd, 2000; Turoff, 1998). Ички ва ташқи ресурслар ўртасидаги бу ўзаро муносабат янги маъмурий жараёнларнинг пайдо бўлишига олиб

келади ва бошқарувнинг янги тузилмаларини ривожлантириши мумкин (Hanna, 1998; Тэйлор ва Swannell, 2001; Turoff, 1998). Маъмурлар кўпроқ тижорат фаолияти тури сифатида уларнинг муассасаларини бошқаради (Green, 2001; «Online Learning,» 2002).

МТ муваффақиятли бўлиши учун у самарали ташкилий тузилмага айланиши керак («A Workplan,» 2001; Bates, 1997; Bothel, 2001; Morrow, 1999; Rahman, 2001). Анъанавий талабалар шаҳарчалари ва университетлар йўқолиб кетмайди (Hanna, 1998), бироқ ташкилий ўзгаришлар юз берадики, бу МТ ўзгариши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, улар талабалар эҳтиёжларига самарали жавоб берувчи таълим тизимига олиб келади.

Олий ўқув юртлири ниҳоят МТ дастурларини режалаштиришда таълимнинг анъанавий тизимига қараганда МТ тизимида таҳсил олувчи талабага кўпроқ таълим олиш имкониятларини яратиб бериш зарурлигини тушуниб етади.

МТга тааллуқли кўпчилик режалар алоҳида ҳужжатларга эмас, режалаштиришнинг тегишли стратегик ҳужжатларига киритилган. Nache (2000) МТни стратегик режалаштиришни тўлиқ ўрганиб чиқди ва бу тараққиёт учун ресурсларни жиддий равишда тежаш имконини берувчи, таълим жараёнлари ва ўқитиш технологияларини бирлаштирувчи ҳаётий восита деган қарорга келди. Stone ва бошқалар (2001) ҳам МТ дастури, агар у стратегик режалаштирилган бўлса, муваффақиятли бўлишини таъкидламоқда. 21- асрда сифатли таълимни таъминлаш мақсадида режалаштиришга тизимли ёндашиш керак (Frances, Pumerantz, & Caplan, 1999; Kemp, 2000).

МТга тааллуқли стратегик режаларни ишлаб чиқишда унинг барча иштирокчиларининг манфатлари, тажрибаси, аҳамиятини ҳисобга олиш зарур (Drucker, 1986; Nache, 2000; Morrow, 1999; Ohler & Warlick, 2001). Афсуски, МТнинг кўпчилик дастурлари концепциясиз ва асосий мақсадларсиз рўёбга чиқарилган (Bothel, 2001). Тажриба олий ўқув юртининг ҳам маъмурияти, ҳам профессор-ўқитувчилари ушбу жараёнга қўшилганда МТ дастурларини ривожлантириш бўйича стратегик режалар энг самарали эканлигини кўрсатмоқда (Bloomfield, 1993; Hughes, 2001). Tosh, Miller, Rice, ва Newman (2000). Деканат ва профессор-ўқитувчилар энг бошидан бошлаб МТни рўёбга

чиқариш учун устуворликларни, сиёсатни, ва тартиб-қоидаларни белгилашга жалб этилган бўлиши керак. МТга жалб этилган шахсларнинг муайян мажбуриятларини аввал бошдан аниқлаб олмай туриб, кўпчилик муаммолар ҳал қилиниши мумкин эмас ва саволлар тартибсизликларни келтириб, жавобсиз қолиши мумкин.

Draves (2000) агар пухта сиёсат юритилса ҳамда тартиб-таомиллар ва стратегиялар танг муаммоларга қаратилган бўлса, МТ тизимига ўтишда мослашиш даражаси ёки поғонаси самарали бўлади, деб таъкидлади. МТ дастурларини амалга ошириш учун мақсад ва вазифаларни белгилаб олишга барча манфаатдор шахсларни жалб этиш ва ушбу жараёнга жалб этилган ҳар бир шахс МТга доир муаммоларни тушуниши маъмурлар МТ билан боғлиқ устуворликлар ва чекловларни белгилаб олишига кўмаклашади. Бу ўзгаришларга тўққинлик қилишни камайтирувчи кучли стратегияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Кўриб чиқилган ишларда, барибир, нуқтаи назарни ривожлантириш ва МТни стратегик режалаштиришда етакчилик ролини ким бажариши керак деган саволларда яқдилликни топиш қийин. Care and Scanlan (2001) ва Mills ва Paul (1993) фикрича, ректорат ва деканат МТга тааллуқли режани ривожлантиришда раҳбарлик ва етакчилик қилиши керак. Стратегик режалаштириш ҳаракатчан ва ўзгарувчан бўлиб, таълим тизимида ўзгаришлар маданиятига қаратилган (Nache, 2000), шунинг учун стратегик режалаштиришга тааллуқли жараёнлар маъмурият мажбуриятларининг бошида бўлиши керак, чунки унинг вазифаси ўзгаришлар натижасида пайдо бўладиган муаммоарни енгиллаштиришдан иборатдир.

Бошқа тарафдан, бўлак муаллифлар МТ технологиясида олдинга силжиш учун тузиладиган режа унга алоқадор бўлган ҳар бир кишини жалб эта оладиган бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Schifter (2000), Kriger (2001), Myers ва Ostash (2001), ва Rockwell, Schauer, Fritz, ва Marx (2000) факультет (деканат ва профессор-ўқитувчиларнинг) етакчилигисиз факультет ўзгаришларга мойил бўлмаслиги мумкин, деган фикрни билдирадilar. Weigel (2000) ўзгаришлар ки-

ритувчи факультет курслар сифати яхшиланган тақдирагина самарали ишлайди деб ҳисоблайди. Джордж ва Samarata (1996) нафақат маъмурият, балки МТни ривожлантириш жараёнида иштирок этаётганларнинг барчаси етакчилик қилиши керак, деб таъкидлаган.

Husmann ва Miller (2001) МТ тизими жорий этилган олий ўқув юрти маъмурияти шуни тез-тез таъкидлайдики, МТ дастури факультетнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган, самарали МТни яратишда маъмуриятнинг роли сезилмаган. Гарчи маъмурлар МТ дастурларининг тўлиқ сифати ва самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатиш учун катта имкониятларга эга бўлса ҳам улар кўпинча МТ орқали факультетларга берилган имкониятларни англаб етмайди (Garrison, 1989; Moore & Kearsley, 1996). Ўз ишлари билан машғул бўлган маъмурлар янги технологияни, ўқитувчилар ва талабалар дуч келган муаммоларни тушуниб етишга етарли вақт ажратмайди (Garrison, 1989; Wenzel, 1999). Husmann ва Miller (2001) маъмурлар МТ дастурини ўзлаштириш эмас, балки фақат дастурни бошқаришда ўзларнинг роли борлигини англайдилар, деб таъкидлайди. Улар МТда ижобий ўзгаришлар яратишда ўзларининг қандай таъсир кучига эга эканликларини билмайдилар (Dillon & Cintron, 1997; Dooley & Murphrey, 2000). Нима бўлганда ҳам, ўқув юртларининг маъмурлари ресурсларни тақсимлаб, бўлажак иштирокчиларга таъсир кўрсатиб (McAlister, Rivera, & Hallam, 2001), ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, тўсиқларни енгиб ўтишда ҳамда ўқитувчилар ва талабалар манфаатларига дахлдор бўлган жараёнларни амалга ошириб, бундай дастурларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатиш учун катта салоҳиятга эга (Berge, 1998).

МТнинг самарали технологиясини ўрганган ва ўзлаштирган маъмурлар ҳаракатчан стратегияни ривожлантиради, таълимнинг бошқа факультетлар ва ўқув юртлари қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган ижобий маданиятини яратишга қодир бўлади (Robinson, 2000).

Стратегик режалаштиришдан мақсад муассасани янги муҳитга мослаштириш имконини берувчи усулларни ривожлантиришдан иборат (Rowley в Sherman, 2001). Биз ҳозир ахборот

асрида яшамоқдамиз, унда, айниқса таълим соҳасида кўп жараёнлар онлайн режимда амалга оширилади. Стратегик режалаштириш олий ўқув юртларига муҳим ташкилий жарёнда ўсиш ва ўзгаришлар ясаш имконини беради (Rogers, 2001). МТнинг самарали дастурига эга бўлишни хоҳловчи олий ўқув юртлари фанларни шунчаки онлайнга жойлаштириш билан чекланмасдан таълимнинг бундан мураккаброқ бўлган барча жиҳатларини ҳисобга олиши керак.

2. АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

Профессор-ўқитувчилар ва талабаларни зарур илмий-таълимий ахборот билан таъминлаш ҳозирги замон олий ўқув юрти тараққиётининг асоси ҳисобланади. Ахир долзарб, мунтазам янгилаб бориладиган ахборотсиз илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим жараёни самарадорлигини ошириш мумкин эмаслиги барчага аён.

Таълимнинг илғор тизими фан ва технология соҳасидаги охирги ютуқларга таянган ва таянади. Агар биз эскирган илмий-таълимий ахборотдан, ўқитишни ташкил қилишнинг эскирган усуллари ва технологиялардан фойдалансак, таълим жараёнининг самарадорлиги ҳақида гапириш қийин. Эндликда ахборот ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда ва у энг қиммат маҳсулот сифатида маданият, таълим, фан ва иқтисодиёт ривожига таъсир кўрсатувчи муҳим омил бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда илмий-таълимий ахборотни тақдим этиш, сақлаш, етказиш ва қайта ишлашнинг электрон шаклига ўтиш объектив реалликка айланди ва уни истеъмолчига етказишнинг энг самарали воситаси бўлиб қолди. Ахборотга Интернет орқали онлайн режимида кириш ёки СД ташувчиларда маълумотлар базасидан фойдаланиш анъанавий қоғоз технологиясига қараганда ишлаш самарадорлигини юз, ҳатто, минг марта оширади.

Шундай қилиб, бир тарафдан, билим олишнинг самарали воситалари бўлиши, иккинчи тарафдан, илмий-таълимий ахборотнинг манбалари мавжуд бўлиши зарур. Бугунги кунда билим фондлари асосан кутубхоналарда, университетларда ва ихтисослашган ахборот марказларида шаклланмоқда. Ах-

боротни тақдим этиш ва етказишнинг электрон шаклига ўтиш ахборот массивидан керакли билимларни олишнинг муҳим асосига айланди.

Ахборот таъминоти (АТ) дейилганда, ўқитиш ва ўқув материалини ўзлаштириш учун зарур бўлган тизимлаштирилган ахборотнинг ҳар хил турлари тушунилади. АТ мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган дарсликлар, ўқув-методик материаллар, маълумотнома ва бошқа ахборотни, шунингдек, уларни тезликда топиш учун хизмат қиладиган каталогларни ўз ичига олади. Ўқув жараёнининг ахборот таъминоти ҳозирги вақтда маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва етказишни автоматлаштиришнинг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда самарали амалга оширилмоқда.

АТ қуйидаги муҳим компонентларни ўз ичига олади:

- электрон каталоглар;
- электрон дарсликлар базаси;
- маълумот-методик абадиётлар маълумотлар базаси;
- илмий ва техник маълумотлар базаси;
- мультимедия ахбороти маълумотлар базаси;
- тест синовлари маълумотлар базаси.

АТни тузишда, одатда, қуйидаги хатоларга йўл қўйилиши кузатилади:

1) ўқув материалининг электрон каталоглари библиографик ахборот тақдим этишнинг халқаро форматларини ҳисобга олмаган ҳолда тузилади ёки умуман тузилмайди;

2) электрон дарсликларни яратишнинг илмий асосланган методикаси йўқ. Электрон дарсликлар дейилганда қўпинча мавзуга тааллуқли сканерланган ёки чоп этилмаган ахборотнинг тизимлаштирилмаган массиви тушунилади;

3) электрон дарсликлар ва бошқа ўқув материалини излаш ва сақлашнинг замонавий технологиялари талабларига жавоб бермайдиган дастурий воситалар яратилади ёки улардан фойдаланилади.

Бу эса беҳуда харажатларга, ахборотни такрорлашга, маълумотларни излаш ва қайта ишлаш тезлигининг йўқолишига олиб келади.

МТ тизимларида билимларнинг сифати ва долзарблиги масалалари энг биринчи ўринларга қўйилиши керак. Таълим

мазмунини яратишда биз мазкур фан соҳаси ривожланишининг замонавий тенденцияларини ўзида ифода этадиган ва мунтазам равишда янгилаб бориладиган манбаларга таянишимиз керак. Масаланинг бошқа томони — бу керакли манбалар, электрон дарсликлар, китоблар, мақолалар ва ҳоказоларни самарали излашни ташкил қилиш.

Ушбу вазифаларнинг барчаси МТ ахборот таъминотининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Бундан ташқари, МТ ахборот таъминоти — бу ахборотлар массиви, маълумотлар базаси ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимлари, шу жумладан маълумотларни тақдим этиш ва етказиш форматлари мажмуидир. Боз устига нафақат алоҳида маълумотлар, балки электрон дарсликлар, маълумот-методик ва бошқа ахборотлар маълумотлар базасининг компонентлари бўлиши мумкин.

Ахборот таъминоти МТнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У автоматлаштирилган ва электрон кутубхоналар, шунингдек уларга хизмат кўрсатиш тизимларини яратиш масалалари билан узвий боғлиқ ва катта сарф-харажатларни талаб қилиши мумкин. Бу эса кўпинча МТ тизимларини яратиш учун, шу жумладан ҳисоблаш техникасини ва дастурий таъминотни харид қилиш, дастурлаштириш учун сарфланадиган бошқа харажатлардан ортиқ бўлиши мумкин. Бироқ агар АТни ва унинг таркибий қисмларини ташкил қилиш халқаро талаблар ва стандартларни ҳисобга олмай, ахборот технологиялари ривожини башорат қилмай туриб, малакасиз бажарилган бўлса, барча саъй-ҳаракатлар беҳуда бўлиши мумкин.

Кутубхона форматларига қўйиладиган халқаро талабларга риоя қилмаслик, МТ тизимларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тажрибасини етарлича ўрганмаслик МТни ташкил этишда йўл қўйиладиган кенг тарқалган хатолардан бири ҳисобланади.

Агар сиз маълумотлар массивини жамлаб, машина хотирасига бир қанча ахборотларни киритсангиз, дарсликлар саҳифаларини сканерлаб олсангиз, бу сиз бирор-бир маълумотлар базасини ёки электрон дарсликлар базасини яратдингиз дегани эмас. Бу шунчаки файллар тўпламидир.

Маълумотлар базаси — бу жиддийроқ тушунча. Ахборотларнинг мантиқий тартибга солинганлиги маълумотлар базасида асосий ўрин тутди, яъни маълумотлар базаси компонентлари мантиқан боғланган ва муайян белгиларига кўра тизимлаштирилган. Маълумотлар базасидаги ахборотлар ўртасидаги мантиқий алоқалар тизимда биз ҳал қилмоқчи бўлган вазифаларга боғлиқ. Маълумотларнинг мантиқий тузилмаси билан маълумотларнинг ЭҲМда машина ички физик ифодаланиши ўртасидаги боғловчи функциясини бажарадиган дастур зарурлиги аёндыр. Бундан ташқари глобал тармоққа электрон дарсликларни бериш вазифаларини ҳал қилиш зарурдыр.

АТни ишлаб чиқишда ахборотнинг тури қандайлиги ва қандай қилиб у етказилиши, сақланиши ва қайта ишланиши лозим эканлиги, уларни қайси гуруҳларга ва кичик гуруҳларга бўлиш, яъни таснифлаш мумкинлигини аниқлаб олиш жуда муҳимдыр. Таснифланган гуруҳлар машиналарга ахборот жойлаштиришнинг энг оқилона усуллари танлаб олишга ва уни қайта ишлаш жараёнларини қуришга жиддий ёрдам беради.

Исталган автоматлаштирилган тизимнинг АТ, шу жумладан МТ тизимлари машина ичкарасида ва машина ташқарисидаги таъминотга бўлинади.

Машина ташқарисидаги АТ қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ё ахборотларни таснифлаш ва кодлаш тизими;

Ё норматив-маълумот ва методик ҳужатларни.

Машина ичкарасидаги АТ қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ё маълумотларни ташкил қилиш, жамлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш дастурлари тизими;

Ё ЭҲМдаги машина ташувчиларидаги маълумотлар массиви, шу жумладан МТ тизимига берилдиган электрон каталоглар, аннотацияси тузилган маълумотлар базаси, тўлиқ матнли ахборот, шу жумладан электрон дарсликлар базаси.

Энг аввало электрон каталог (ЭК) турли излаш белгилари бўйича (очқич сўзлар, муаллифлар, китоб номлари, йил бўйича қидирувни чеклаш имконияти мавжуд) МТда ахборот (электрон дарсликлар, ўқув-методик ва бошқа дарсликлар) излашнинг кенг имкониятларини яратиб беришини таъкидлаш зарур .

Барча таълим мазмуни янги ахборотга таяниши, яъни энг охирги нашрлар ва фан ютуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши кераклиги МТ ахборот таъминотида қўйиладиган муҳим талаб ҳисобланади. Бу МТ тизимига бериладиган ўқув-методик, маълумотнома ёки бошқа материални тузишда илғор илмий-таълимий ресурсларидан кенг фойдаланиш зарурлигини англатади.

Бунга қўйидагилардан фойдаланган ҳолда эришиш мумкин: анъанавий кутубхоналардаги журнал, рисола, китоб ва бошқа манбалардаги сўнгги нашрлар; Интернетда очиқ тақдим этиладиган нашрларнинг кенг имкониятлари; кутубхоналар ва университетлар обуна бўладиган электрон кутубхоналар. Охирги вақтда обуна қилинадиган ёки университетларнинг ўзида ташкил этиладиган электрон кутубхоналардан фойдаланиш энг самарали ҳисобланади. Ушбу электрон кутубхоналар энг муҳим ва қимматли нашрларни жамлайди ва МТ мазмунига тегишли базани долзарб ҳолатда сақлаш имконини беради. МТ тизимининг мазмуний асоси бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражада долзарб бўлмаса, у аста-секин ўлиб боради, чунки таҳсил олувчилар янги билимларни олишдан манфаатдор, эскирган ахборот уларнинг ўқишга қизиқишини сўндиради, холос.

МТ тараққиётида олий ўқув юртлари кутубхоналарининг роли жиддий равишда ошиб боради. Маърузалар, тақдимотлар, видеоматериаллар ва бошқа ўқув материаллари кутубхона электрон ахборот фондининг бир қисмига айланади. Боз устига кўпчилик кутубхоналарда (Раҳматуллаев, 2007) ўқув материаллари маълумотлар базасини янгилаш ва унга илова қилиш функциялари кафедраларга эмас, кутубхона ихтиёрига берилади. Кутубхоналар ўқув жараёнини ахборот билан қўллаб-қувватловчи самарали хизматларни ташкил қилади. Улар тизимлаштирилган бой фонд яратадилар, бундан фойдаланган ҳолда ўқитувчилар жуда қисқа вақт ичида ҳам анъанавий аудитория учун, ҳам МТ учун ўзининг ўқув материалларини тайёрлаши мумкин. Кутубхоналар нафақат электрон каталоглар, матнли ахборотлар, тақдимотларнинг маълумотлар базасини, балки ўқув жараёнида зарур бўладиган фотоматериаллар, фильмлар ва график материалларнинг электрон тўпламини шакл-

лантирадилар. Ўқитувчилар ҳам бевосита кутубхонада, ҳам Интернет ва Интранет орқали ресурсларга масофадан туриб кириш йўли билан ушбу қимматли материални тўплаши ва ундан фойдаланиши мумкин.

МТ ахборот таъминотини шакллантиришда электрон дарсликларга муҳим ўрин ажратилади. Энг аввало, **электрон дарслик** – бу махсус равишда форматланган ва ахборот технологияларининг усуллари ва воситалари (гиперматнли қидирув, муҳим сўзлар бўйича автоматлаштирилган қидирув, билимларни интерактив назорат қилиш ва ҳоказолар) ёрдамида фанни ўрганиш имконини берувчи рақамли форматда тақдим этилган ўқув-методик қўлланмадир.

Электрон дарсликлар базаси – бу дарсликлар тўғрисида маълумотларнинг тизимлаштирилган ва таснифланган мажмуий, махсус талабларга жавоб берувчи тўлиқ матнли дарсликлар базаси.

Мультимедиявий ахборотлар маълумотлар базаси ўқув мавзусига тааллуқли аудио, видео ёки қурама ахборотни ўз ичига олади. Кўпинча база мавзунини яхшироқ ўзлаштириш учун қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Тестлар маълумотлар базаси таҳсил олувчилар билимларини тест синовидан ўтказиш тизимининг ахборот қисми ҳисобланади.

Илмий ва техник адабиётлар маълумотлар базаси ўқув мавзусига алоқадор бўлган электрон журналлар, китоблар, шарҳлар ва бошқа ахборот материалидир.

Ўқув материални тизимлаштириш ва таснифлашда, шунингдек уларни тезкор қидиришда электрон каталог муҳим роль ўйнайди. Электрон каталог библиографик ахборот беришнинг халқаро форматлар талабларига жавоб бериши керак ва автоматлаштирилган кутубхона тизими «Каталогизатори» автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) дан фойдаланган ҳолда тузилади. Бу матндан тортиб то видеогача турли хилдаги ахборот манбалари тўғрисида маълумотлар етказиш шаклларини бирлаштириш имконини беради. Маълумотлар базасида турли хил ахборотни сақлаш талабалар томонидан ўқув материали самарали ўзлаштирилиши учун, шунингдек ўқитувчиларнинг дарсларга тайёргарлик кўриши учун муҳим шарт ҳисобланади.

АТни яратишда ишгирок этиш даражаси

Маълумотлар базаси	Ўқитувчи	Ассистент	Кутубхоначи
Электрон каталог	Маъруза номлари бўйича адабиётлар танлаш, DUBLIN CORE формати бўйича ахборот ресурсларини электрон каталоглаштириш	Маъруза номлари бўйича адабиётлар танлашда ўқитувчига ёрдам кўрсатиш, DUBLIN CORE формати бўйича ахборот ресурсларини электрон каталоглаштириш ишини бажаради.	MARC формати асосида электрон каталоглаштириш
Электрон дарсликлар базаси	Электрон дарсликлар яратиш	Электрон дарсликлар яратиш	Дарсликларни ишлаб чиқишда адабиётлар танлашга ёрдам кўрсатиш
Маълумотном а-методик адабиётлар маълумотлар базаси	Маълумотнома-методологик адабиётлар танлаш	Маълумотнома-методологик адабиётлар танлаш, уларни рақамлаштириш	Адабиётлар танлаш ва рақамлаштиришга ёрдам кўрсатиш
Илмий ва техник адабиётлар маълумотлар базаси	Илмий ва техник адабиётлар танлаш	Илмий ва техник адабиётлар танлаш, уларни рақамлаштириш	Илмий ва техник адабиётлар танлаш ва рақамлаштиришда ёрдам кўрсатиш
Мультимедия ахбороти маълумотлар базаси	Мавзу бўйича видео, аудио, график материаллар танлаш ва тузиш	Мавзу бўйича видео, аудио, график материаллар танлаш ва тузишда ёрдам	Мавзу бўйича видео, аудио, график материаллар танлаш ва тузишда ёрдам

3. ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ

МТни стратегик режалаштириш мақсадлари одатда асосий педагогик муаммоларга эмас, асосан бюджетга ва яқка тартибдаги режалаштиришга қаратилган (Bates, 2000; Berge & Smith, 2000; Bothel, 2001; Fryer Jr. & Lovas, 1991). Педагогик масалалар таълим дастурларида акс этувчи ўқитиш психологияси билан узвий боғлиқ.

Масофадан туриб ўқитиш — бу шунчаки ўқитиш усули ёки методи эмас; бу — таълимнинг ўзига хос ва мантиқан давом этувчи соҳаси бўлиб (Keegan, 1986), асосан тақдим этиш ва педагогик фалсафанинг янги методларига қаратилган. МТ технологияси — бу мақсад эмас, мақсадга эриши воситасидир (Frances et al., 1999). МТ тизимида ўқитишнинг янги шаклларига ўтиш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилишга тўғри келади. Бу техник ва ташкилий масалаларни ҳамда руҳий ва методологик масалаларни ўз ичига олади.

Баъзи маъмурлар ўқув жараёнини технология ва тегишли курслар билан таъминласа, буни талабалар ўзлари ўқитувчининг аралашувисиз ўзлаштириб кета оладилар деб ўйлайди. Шундай бўлса-да, ўқитиш технологияси энг аввало мазмун-моҳиятга ва дастурга қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда қурилган бўлиши керак (Bates, 2000; Bunn, 2001; Gibbons & Wentworth, 2001, Rockwell, Furgason, & Marx, 2000; Rumble, 2000; Saba, 1999). Daniel (1997), агар стратегик режалаштиришсиз ўзларининг МТ дастурларини яратиши учун факультетга рухсат берилса, у ҳолда ўқитишга ёндашувлар ва курсларни бошқариш методлари турлича бўлади ва билимларни ўзлаштириш жараёнида талабалар учун баъзи тартибсизликлар келиб чиқади деб ҳавотирга тушади.

Катта иш стажига эга бўлган кўпчилик ўқитувчилар ўқитиш усулларини ўзгартиришни хоҳламайди (Anderson & Middleton, 2002). Кўпчилик ўқитувчиларда бевосита диалог маърузалар, таълим олувчи кичик гуруҳлар ёки реал лабораториялар — предмет ўқитилиши ва материал яхши ўзлаштирилиши мумкин бўлган ягона йўл шу деган туйғу устунлик қилади. Бошқалар эса PowerPoint технологиялари ва мультимедия намоишлари билан чекланган ҳолда маърузаларини прогрессив методларга мослаштирмаганлар ва ўқитиш усулларини ўзгарти-

риш ниятлари йўқ. МТ тизимида ушбу қарор топган анъаналар ва илдиз отган методлар ўзгартирилади, чунки онлайнга жойлаштирилган курслар таълим бериш ва ўқитиш бўйича янги фикрни талаб қилади (Bates, 2000; Burgess, 1994).

МТда ўқитувчилар нафақат курснинг мазмун-моҳиятига, балки уни ўқитиш шаклига жиддий эътибор қаратишлари керак. МТ учун материални тузишда ўқув қўлланмаси, МТдаги дарслик онлайн фойдаланиш воситаларини, қидирув механизмларини, тест синовидан ўтказиш, ўзини ўзи ўқитиш воситаларини ва ҳоказоларни ўз ичига олишини ҳисобга олиш зарур. Бу ўқитувчидан ўз фанини ифодалаш шаклини ҳамда ўқув материални киритадиган дастурий қобиликни қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

МТда қуйидагилар фанни тақдим этиш шакллари ҳисобланади:

- маъруза матни;
- тақдимот материали (асосан Power Pointда);
- маърузалар видеороликлари;
- алоҳида слайдлар;
- фотоматериаллар;
- музикавий файллар;
- ва бошқалар.

Албатта материални маълумотлар базасига тақдим этиш шакллари ўқитувчи малакасига, унинг материали бойлигига, ўз материални маълумотлар базасига киритишда ўқитувчига ёрдам берувчи МТ тизимидаги мутахассисга боғлиқ.

Тест синовини ўтказиш МТда алоҳида ўрин эгаллайди. Тест вазибалари базасини тузиш ўқитувчининг анча кўп вақтини олади ва у материал ўзгариши ҳамда фанда янги ютуқлар пайдо бўлиши билан мунтазам равишда янгилаб борилиши керак. Бу шунингдек ўқув материалнинг бир қисми ҳисобланади.

Билим бериш ва тест синовини ўтказиш тизими доимо ривожланиб боради. МТдаги талабалар нафақат самарали билим олиш, балки ўқитувчи билан диалогга киришиб, ўз билимларини текшириб кўриш имкониятига эга бўлиши керак.

Таълим дастурида МТ шароитларида Фарб мамлакатларининг кўпчилик университетларида қуйидаги муҳим жиҳатлар ажратиб кўрсатилади:

1. МТдаги таълим дастурлари университет ёки бошқа юқоридаги органнинг таълим стандарти томонидан белгила- ниши мумкин бўлган муайян мутахассислар учун таълим маз- муни белгиланади.

2. МТ технологияларини қўллаган ҳолда таълим дастурлари ўқитувчининг мажбурий машғулотлари ҳажми таҳсил олувчи- лар, ўқув жараёни ташкил қилиш, ўқитиш технологияси билан фарқ қилувчи турли шаклларда ўзлаштирилиши мумкин: кун- дузги, кундузги-сиртқи (кечги), сиртқи, экстернат шакли. Бу шакллар факультет ёки университет Бошқармаси қарорига кўра ёки ўқитувчилар ё таҳсил олувчилар илтимосига биноан бир- лаштирилиши мумкин. Муайян шаклда таълим олишда ва ўқитишнинг турли шакллари бирлаштирилганда ягона таълим стандарти амал қилади.

3. Университет Кенгаши (Илмий кенгаш, Директорлар кенгаши ва б.) қарорига биноан тегишли муахассислик бўйи- ча ўрта касб-хунар таълимига ёки турли даражадаги олий касб- хунар таълимига эга шахслар учун ўқитиш даврини камайти- ришга, шунингдек юқори касб-хунар таълимининг асосий таълим дастурини тўлиқ ҳажмда ўзлаштириш қобилиятларига эга шахсларнинг ўқитилиши тезлаштиришга рухсат этилади.

4. Университет Кенгаши томонидан тасдиқланган ўқитиш- нинг якка тартибдаги режалари (графиклари) бўйича таълим дастурлари тўла ҳажмда ўзлаштирилади.

Масофавий таълим жараёнини ташкил қилиш

1. МТ тизимида университетнинг раҳбари (ректори) ёки Кенгаши томонидан тасдиқланган танланган фан (мутахас- сислик) бўйича ўқув режаси ёки якка тартибдаги ўқув режаси ўқув жараёнинини ташкил қилувчи асос ҳисобланади. Якка тартибдаги ўқув режаси таҳсил олувчиларнинг иштирокида тузилади ва унинг ўзига хос фазилатлари ва истеъдодини ҳисоб- га олади. Якка тартибдаги ўқув режаси асосида ўқув фаолияти- нинг зарур турларини бажаришга ва назорат тадбирларига ва имтиҳон сессиясига ажратиладиган вақт кўрсатилган ҳолда ўқув жараёнининг тақвим графиги тузиб чиқилади.

2. Ўқув режаси тўлиқ бажарилганда таҳсил олувчи мазкур университетнинг олий маълумотли дипломини олади.

3. Талабалар МТ-гуруҳларига бўлинади.

4. Кўпинча тьютор, электрон почта ёки почта алоқаси орқали ўқитувчилар ва талабалар ўртасида алоқа амалга оширилади.

5. МТ талабалари ҳар чорак бошида тьютордан ҳар бир чоракда ўқитиладиган фан бўйича ўқув-методик тарқатма материалларнинг (ТМ) тўлиқ тўпламини (кейсини) олади. Методик материаллар қоғозда ёки электрон ташувчиларда (компакт-дискларда) ҳамда сервердаги Интернет тармоғида тақдим этилади. Талаба томонидан берилган ТМ тьюторлар томонидан ҳисобга олинади ва рўйхатдан ўтказилади.

6. Қўлланма материаллар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- курс дастури (ўқув фанининг мақсадлари ва вазифалари), фанни ўрганишга доир тавсиялар, ўқув фани материали билимларини ўзлаштириш даражаси, талабанинг касбий қарор топиш даражасига қўйилган талаблар (мавзулар номи, уларнинг мазмун-моҳияти, маъруза машғулотларидаги соатлар ҳажми); аудитория маърузалари, лаборатория ва амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати; фан бўйича курс ва диплом ишларининг мавзулар рўйхати; талабанинг ўзлаштириб кетишини назорат қилиш: имтиҳон учун назорат ишлари рўйхати, назорат тестлари, саволлар (вазифалар) рўйхати; асосий ва қўшимча адабиёт.

- Иш материали ёки ўқув қўлланмаси (МТ технологиясида талаба ишларини ташкил этиш бўйича умумий тавсиялар; дафтарлар билан ишлашга доир ёрдамга эга бўлган маълумотнома бўлими, лугат, маърузаларга ҳаволалар; талаба томонидан фан бўйича ўқув вазифаларининг бажарилиши тақвим графиги; амалий вазифаларни ҳал этиш учун методик кўрсатмаларга (тўғри жавоблар калитига) эга ҳар бир мавзу бўйича ўзини ўзи назорат қилиш учун амалий вазифалар ва саволлар; маъруза материали бўлимлари бўйича назорат тестлари; лаборатория ишларини бажариш бўйича лаборатория ишлари ва методик кўрсатмалар таърифи; назорат ишларини бажаришга доир методик кўрсатмалар ва назорат ишлари; маърузалар курси.

7. МТ талабаларига Интернет тармоғи орқали зарур ўқув-методик материаллар ва маслаҳатлар олиш ҳуқуқи берилади.

8. Чоракда фанни ўрганиш яқунларига кўра МТ талабаси ўзи яшайдиган аҳоли пунктида МТ маслаҳатчиси ёки методи-

сти ҳозирлигида, одатда, компьютер тест синови орқали тегишли назорат ишлари ва имтиҳонлар топширади. Интернет тармоғи орқали тестдан ўтишнинг яқка тартибдаги ҳуқуқи талабага берилади. Курс ишлари (лойиҳалар), зарур бўлганда эса назорат ишлари базавий олий ўқув юрти кафедрасида тақризлаш учун тақдим этилади.

9. Филиалларда масофавий технология бўйича амалга ошириладиган ўқув фанлари рўйхатини чоп этувчи кафедра белгилаб беради.

10. Масофадан туриб ўқитишда ўқув фаолиятининг қуйидаги турларидан фойдаланилади: маъруза, маслаҳат, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, илмий-тадқиқот иши, амалиёт, курс иши, малака оширадиган иш (диплом лойиҳаси ёки диплом иши, магистирлик диссертацияси). МТни амалга оширишда муассаса ўқув фаолиятининг бошқа турларини ҳам белгилаши мумкин.

11. Ўқув фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги МТ технологияларидан фойдаланилади: кейс-технология, маҳаллий-тармоқ ва тармоқ (корпоратив ёки глобал тармоқ). МТда ўқув фаолиятининг барча турлари қуйидагилар воситасида амалга оширилади:

- о аудиторияда ёки электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчининг талаба билан педагогик мулоқоти;
- о аудиторияда ёки электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда тьюторнинг талаба билан педагогик мулоқоти;
- о талабанинг ўқув материали билан мустақил ишлаши.

12. Ўзлаштиришни жорий назорат қилиш ва таҳсил олувчиларни оралиқ аттестациядан ўтказиш, уларни ўтказиш шакли ва технологияси олий ўқув юртининг Илмий кенгаши томонидан бегиланади. Олий ўқув юрти базасида аттестация комиссияси томонидан битирувчилар якуний давлат аттестациясидан ўтказилади. Аттестациядан ўтказиш тартиби якуний аттестация тўғрисидаги қоида билан белгиланади.

4. КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Гарчи МТда ўқув жараёни принциплари анъанавий аудиториядаги ўқитишнинг анъанавий тизимидан унчалик фарқ қилмаса-да, барибир ўқитишнинг янги парадигмаларини ўзлаштиришда ўқитувчиларни ўқитишга ва уларни қўллаб-қувватлашга эҳтиёж бор. Ўқитувчилар ўқитадиган курсларнинг деталлари янги муҳитда қандай ёритиб берилиши, улар қандай қилиб ўз материалларини тақдим этиши, талабалар фанларни қандай ўзлаштириши тўғрисида хабардор бўлиши керак. МТ дастурлари учун курслар аввалдан аниқ режалаштирилиши ва ишлаб чиқирилиши керак (McNaught, 2002). Анъанавий таълим моделидан рақамли форматга ўтишнинг ўзи етарли эмас (Weigel, 2000).

Янги таълим муҳити ўқув жараёнида инновацион тараққиётни талаб қилади ва факультет, ўқитувчи курсларни ташкил қилиш ҳамда ўқитиш учун катта қулайликларга эга бўлиши керак (Trindade, Carmo, va Bidarra, 2000). Самарали МТ ўқитувчилар билимларини мазмун-моҳиятга йўналтирибгина қолмай, балки онлайн режимда талабалар билан самарали алоқада бўлиш учун муомалага уста бўлишини ҳам талаб қилади (White & Weight, 2000). Ўқитувчилар МТнинг таълим жараёнида янгича ролга кўникиб кетиши керак. МТ тизимларида улар режалаштирувчилар, лойиҳалаштирувчилар, мураббийлар ва ёрдамчилар сифатида фаолроқ роль ўйнайди, етакчилар ва маърузачилар сифатида камроқ ўрни билинади (Gillespie, 1998; Young, 2002). Олий таълимнинг кўпчилик муассасаларида тегишли ёрдамнинг етишмаслиги туфайли МТ ўқитувчилари зарур технологик билимларга эга бўлиши керак. Улар кўпинча файлларни юклаши ва қайта ишлаши, ЭҲМ воситалари ва дастурий таъминот муаммолари билан ишлаши ва технологияни қўллаган ҳолда муаммоларни енгиб ўтишда талабаларга ёрдам бериши керак.

Ўқитувчилар курслар ўртача қобилиятли талабалар учун қулайлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда шундай курсларни ишлаб чиқишга қодир бўлишлари керак. Онлайн дарслар ҳам талабалар компьютерларига хатоларсиз самарали етказилиши керак. Ўқитувчилар компьютерлар хотиралари ва уларнинг тез-

лиги талабаларда фарқ қилиши мумкинлигини ҳисобга олиши керак ва дарслар тармоқдан юклашда кўп вақтни олмаслиги керак, экран ҳажмларига мос тушиши ва ҳатто ранг ҳам чуқур ўйлаб танланиши керак. Талабалар билан онлайн тезкор алоқага эга бўлган ўқитувчилар талабаларда келиб чиққан муаммоларга тезкор жавоб қайтариш имкониятига эга бўлиши керак. Бу ўқитиш малакаси ва технологияни талаб қилади, ўқитувчиларнинг кўпчилиги эса унга эга бўлмаслиги мумкин.

Курслар яратишнинг яққол устуворликларига қарамай талабалар осон фойдаланиши мумкин бўлган Интернет орқали кўплаб ўқитувчилар ва муассасалар МТ томон йўналмоқда. Бунинг асосий сабаблари нима, нима учун ўқитувчилар дастлаб МТ технологиясини дарҳол ёки фаол қўллаб-қувватламайди? Бир қанча сабабларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кўпчилик ўқитувчилар онлайн курсларни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш кўп вақт олади деб ўйлайди (Clay, 1999; Georges, 2001). Улар кўпинча ўзларининг педагогик ҳаётининг катта қисмини бағишлаган ўқитишнинг анъанавий усуллари-дан воз кечмасликни хоҳлайди. МТ курсларни қайта тайёрлаш учун қўшимча вазифалар ва саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

2. Улар учун зарур бўлган техник ва маъмур ёрдамига муҳтожлик сезади (Betts, 1998; Schifter, 2000), МТ қўшимча техник ва дастурий таъминотни талаб қилади. Маъмурият ҳар доим ҳам ўз вақтида буни тақдим этавермайди.

3. Муаллифлик ҳуқуқлари ва ақлий мулк, (Berge, 1998; Moore, 1994; Taylor, Parker III, & Tebeaux, 2001), онлайн курслар сифати муаммоларини келтириб чиқаради (Betts, 1998). Ўқитувчилар онлайнда тақдим этадиган бошқа материалнинг электрон дарслиги ҳақида ташвишга тушадилар.

4. Ўқитувчилар кўпинча онлайн ўқитишнинг рағбатлари ва тўсиқлари ҳақида хавотирга тушади (Rockwell, Schauer ва бошқалар., 2000; McKenzie ва бошқалар., 2000). Чунки МТ технологиясига ўтиш қўшимча вақт, саъй-ҳаракатлар, малакани талаб қилиши сабабли фаол ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришнинг қўшимча механизмлари бўлиши керак.

5. Маъмурлар анъанавий курслардан МТ самарадорлиги ва фойдасини таққослашга ҳаракат қилганда, бошқалар кўпроқ онлайн курсларга эътиборларини қаратиши учун қуйидаги-

ларга катта босим етказишга сабаб бўлишидан хавотирга тушади (Armstrong, 2000). Таълим сифатига зарар етказган ҳолда МТга ўтиш учун шошилиш маъмурий босим ўтказилган ҳолатлар кўп учраган. Ўтиш аста-секин, ихтиёрий ва режали бўлиши керак.

Айниқса тез ўзгарадиган соҳада факультетни қўллаб-қувватлаш учун ўқитувчини ўқитиш муҳим (Crumpacker, 2001; Diaz, 2001; Rockwell, Furgason, Marx, 2000; Torrisi-Steele & Davis, 2000). Ўзгаришда юз берадиган муаммоларни самарали енгиб ўтиш ва вақт талабига жавоб беришда уларга ёрдам бериш учун ўқитувчиларни янги технологияга ва ўқитиш усулига ўргатиш жуда муҳимдир (Long, 2001). Ўқитувчи касбий улғайса, талабаларни ўқитиш жиддий равишда яхшиланади (Lockard, 2001). Онлайн ўқув режасини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган билимни олиш учун ўқитувчилар ўқув курсидан ўтиши, ҳатто «тарбияланиши» ва маъмурият томонидан қўллаб-қувватланиши, улар фойдаланадиган янги ускунага эга бўлиши керак. Факультет тренинги муассаса МТга ўтишни режалаштираётганда улар сафига киритилиши керак.

Стандарт жиҳатдан МТ технологиясига ўқитиш курси дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Компьютер саводхонлиги ва Интернетда ишлаш асослари (керак бўлганлар учун);
2. Электрон маълумотлар базасини яратиш асослари.
3. Электрон дарсликларни тузиш методлари.
4. Интранет ва Интернетга электрон ресурсларни тақдим этиш методлари.

МТни ташкил этиш ва ўтказишда тьюторга катта аҳамият берилади. Тьютор масофадан туриб ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини олиб борувчи ва бир вақтнинг ўзида ўқув жараёнининг ўқитувчиси, консультанти ва ташкилотчиси (менеджери) функцияларини бажарувчи ўқитувчи-консультантдир.

Тьютор – олий маълумотли, педагогик, илмий ва амалий бошқарув фаолияти имкониятларига оид тажрибага, ўқитиладиган фан тўғрисида амалий тасаввурга эга мутахассис.

Тингловчилар (талабалар) билан яккама-якка машғулотлар ўтказиш; фаннинг ўқув-методик иловаларидан самарали

фойдаланишни таъминлаш (ўқув-методик комплекс материаллари), гуруҳ ва яккама-якка маслаҳатлашув машғулотлари ўтказиш, яккама-якка ўқув режаларини тузиш тьютор мажбуриятларига киради.

Тьютерлар асосан ўқув-методик комплекслар муаллифлари томонидан ўқитилади. Тьюторларни ўқитиш иккита асосий қисмдан иборат: тьюторларни тайёрлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий масалалари (аниқ бир ўқув курси бўйича ўқитиш). Бевосита семинарда тингловчилар барча ўқув вазифаларини ҳал қилиш ва кейинчалик текшириш билан шуғулланади. Етук ўқитувчи асосан консултацион машғулотлар ўтказиши ва тингловчилар саволларига жавоб беради. Ўқув ва методик масалаларга асосий эътибор қаратилади. Таълим бериш охирида барча тингловчилар ўқув курси (фан) бўйича якуний тест синовидан ўтади, бунда уларнинг ҳар бири ўзининг тест вариантыга эга бўлади.

Агарда тингловчи тўғри жавобларнинг камида 75 фоизини топса, у тестни муваффақиятли топширган ҳисобланади ва мазкур курс бўйича унга тьютор бўлиб ишлаш ҳуқуқини берувчи сертификат олади. Тест синовидан ўтмаган тингловчилар мазкур ўқув курси (фан) бўйича навбатдаги семинарда ўзининг тайёрлигига ва ўз вақтида ҳақ тўлаганлигига қараб, қайтадан ўқитилиши мумкин.

Экстерн шаклда (яъни семинарда таҳсил олмай) тьюторликка алоҳида номзодлар учун таҳсил олиш рухсат этилади. Бу ҳолда таҳсил олувчи мустақил ўрганиш учун ўқув-амалий қўлланма олади, сўнгра якуний тест синовидан ўтади. Ҳақ тўлаш ҳажми аввалгидек қолмоқда. Қуйидаги тьюторликка номзодлар учун экстерн шаклда ўқитиш рухсат этилади: мутахассислиги бўйича олий маълумотли, танланган ўқув курси (фан)га мос тушувчи ёки яқин келувчи, ва мазкур фан соҳаси курслари (фанлари) бўйича машғулотлар (маърузалар, семинарлар, лаборатория амалиёти) олиб борувчи; танланган ўқув курсига мос тушувчи фан бўйича муайян муддатда (масалан, уч йил) педагогик иш стажига эга.

Бутун профессор-ўқитувчилар, муҳандис-техник ва ўқув-ёрдамчи ходимлар янги ахборот ва таълим технологиялари соҳасида қайта тайёрланиши ёки малакаси оширилиши ҳамда тегишли равишда аттестациядан ўтказилиши керак.

5. ТАЛАБАЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР

МТга ўтишда «талабалар хизматлари» ёки «МТ тизимида талабалар учун хизматлар» билан боғлиқ бир қатор масалалар келиб чиқади. Ўқитиш жараёни учун муҳим саналган маслаҳатлашув, яккама-якка машғулотлар, техник, маъмурий, талабаларни қўллаб-қувватлаш сингари тартиб-қоидалар ва хатти-ҳаракатлар нима бўлади? Ахир МТ виртуал дунёсида талабанинг ўқитувчилар ва маъмурият (деканат) билан реал алоқалари жиддий равишда камаяди ва бундай хизматларни кўрсатиш мутлақо янги шаклга ўтади.

МТ сингари янги технология бирор бир ташкилий ўзгаришларни киритиш учун сабаб бўлмаслиги керак деб ҳисоблайдиган муаллифлар ҳам бор (Brown & Jackson, 2001; Hughes, 2001). Бироқ ўқитиш жараёнида бошқа ташкилий ўзгаришлар юз бермагунича таълимда технология жорий этилиши мумкин эмас, деб ҳисобловчи бошқа муаллифлар ҳам бор (Moore ва Kearsley, 1996). Шу сабабли ташкилий тузилмаларга кўпроқ эътибор қаратиш керак, улар талабаларга хизмат кўрсатиш масалаларига тааллуқли (Bothel, 2001; Morrow, 1999; Wilson, 1998). Талабаларга кўрсатиладиган хизматларга эмас, балки турли маъмурий воситаларга кўпроқ эътибор қаратилиши МТни режалаштириш билан боғлиқ муаммолардан бири ҳисобланади.

Care ва Scanlan (2001) МТ курсларни режалаштириш ва етказиб беришда факультет ва штат маъмурияти ўртасидаги келишмовчиликка оид ҳар томонлама тадқиқот олиб борди, бироқ улар бунда талабалар хизматлари ва техник қўллаб-қувватлаш масалаларини кўриб чиққанлари йўқ. Tinto (1993), Voorhees (1987) ва бошқалар («Workplan, 2001) талабалар билимларни муваффақиятли ўзлаштириши учун улар “талабалар хизматлари”нинг ҳар хил турларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак деб ҳисоблайди.

МТни режалаштириш молиявий, якка-тартибдаги, академик, юридик, технология жиҳатларини, шунингдек келажакда қарорлар қабул қилиш жараёнлари учун муҳим жиҳат сифатида тараққиётни қўллаб-қувватлаш масалаларини ўз ичига олиши керак (Fryer, Jr., & Lovas, 1991; Gellman-Danley &

Fetzner, 1998). МТ талабага аудиторияда ўқитувчи билан мулоқотни тақдим қилмайди, бироқ талаба онлайнда бўла туриб, ўша билим, ўша хизматлар ва ўша самараларни олиши керак (Berge, 1998).

Brown ва Jackson (2001) фикрича, маъмурлар қандай қилиб онлайн курсларни ривожлантириш ва ўқитиш учун факультетни мажбур қилиш ҳақида эмас, масалаҳатлар бериш, кутубхона хизматларини ривожлантириш, молиявий ёрдам бериш сингари бошқа соҳаларда МТ талабаларини қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал қилиш ҳақида бош қотириши зарур.

Sally Johnstone (2002) фикрича, талабалар МТни қўллаб-қувватлашининг уч босқичи бор:

Биринчиси — бу керакли ахборот тақдим этишни таъминловчи web сайт яратиш.

Иккинчиси — бу web саҳифаларга алоқа шакллари ва методларини киритиш.

Охирги босқич баҳс-мунозаралар учун ажратилган хоналар орқали online тавсиялар, ёки талабалар ҳисоботлари билан мулоқот қилиш сингари (ўқитувчи, кутубхоначи, маъмурият ва бошқалар билан) шахсий ўзаро муносабатни таъминлаш мумкин бўлган хизматларни кўрсатиши керак.

Кўпчилик муассасалар талабалар хизматлари соҳасида инкирозга тушган бўлади, чунки олий ўқув юртлари буни режалаштирмайди, шу сабабли талабаларни тегишлича қўллаб-қувватлашни таъминловчи ресурсларни топа олмайди (Daniel, 1997; Milliron ва Milli, 2000). Агар олий ўқув юртлари МТни таъминлай олса, улар онлайн хизмат кўрсатиш технологиясини ривожлантириши ва талабаларни қўллаб-қувватлашни давом эттириши ва бунга паст назар билан қарамаслиги керак (Buchanan, 2000; Hanna, 1998; Rumble, 2000; Schrum, 1999). Aoki ва Pogroszewski (1998) диалог курслари ва талабалар хизматларини бирлаштириб, сарф-харажатларни камайтириш, самарадорликни ошириш мумкин деб ҳисоблайди. Matthews (1999) фикрича, онлайн ўқитиш ўсиб бориши учун реал ишонч бор.

Афсуски, олий ўқув юртлари МТ режалаштиришда иккилашни ҳолатларига дуч келмоқдалар: талабаларга онлайн хизмат

кўрсатиш истаги билан талабаларга анаънавий хизмат кўрсатишни давом эттиришэҳтиёжи орасида овара бўлмоқдалар.

(Collis ва бошқалар., 1993; Ditt, 1999). Барибир ҳам маъмурлар учун МТ орқали таълим олувчи талаба университет шаҳарчасига келмаслигини ва бунда уни жиддий талабалар хизматлари билан таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишда бу жуда муҳимдир. Inglis ва бошқалар (1999) онлайн-курсларни ривожлантириш талабалар хизматларига ёндашувларни қайтадан ташкил этишга ундайди деб таъкидламоқда. Дублиндаги МТ миллий маркази директори Dennis Bancroft (2001) талабаларни қўллаб-қувватлашни МТнинг муваффақиятли дастурини қўллаб-қувватлаши ва таъминлаши керак бўлган (ўқув режаси ёки технологиясидан сўнг) учта муҳим соҳаларнинг бири сифатида белгилайди.

Шундай қилиб, МТ тизимида талабалар хизматларининг бошқа шакли юзага келади, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Онлайн маслаҳат бериш
 - онлайнда фойдаланиш мумкин бўлган консултацион материаллар маълумотлар базаси;
 - ажратилган вақтда ўқитувчиларнинг онлайнда талабаларга гуруҳ бўлиб маслаҳат бериши.
2. Маъмурий ёрдам
 - ўқув жараёни ёки талабаларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли турли воқеалар тўғрисида талабаларни тезкорлик билан хабардор қилиш;
 - доим янгилаб бориладиган маъмурий ва бошқа қимматли ахборотни очиқ шаклда етказиб бериш.
3. Техник хизмат
 - талабаларга онлайнда қимматли дастурлар ва маълумотлар базаларини кўчириб олиш имкониятини тақдим этиш.
4. Яккама-якка машғулотлар режими
 - талабаларнинг якка тартибдаги сўровлари бўйича ўтилган материални мустаҳкамлаш учун «ўқитувчи — талаба» фаол чатини ташкил қилиш.

6. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШ

МТ тизимини татбиқ қилишда талабаларни улар учун янги муҳитда таълим олишга ўргатиш энг муҳим муаммолардан ҳисобланади. Бунда талабаларни ўқиш жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, улар МТ устунлигини ҳис қила олсинлар ва йўриқномаларнинг тўлиқ мажмуасига эга бўлсинлар. Талабаларнинг психологик омиллари ва индивидуал қобилиятларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Таълим тизими жуда мураккаб бўлмаслиги ва фақат истеъдодли талабаларга қаратилмаслиги керак.

Машҳур олим ва ўқитувчи Ведемейер сингари кўпчилик ўқитувчилар саксонинчи йиллар бошидаёқ университет даражасида МТни таърифлаш учун «мустақил таълим» терминини киритди.

«Мустақил таълим» ўқитувчилар ёрдамисиз ўқувчилар томонидан ёки ўқитувчилардан ажралган макон ва замонда амалга ошириладиган таълим туридир.

Ведемейер таълимнинг қўйидаги раҳбарлик принципларини белгилаб берди, улар таълим тизимининг концептуал асосини акс эттиради ва таҳсил олувчининг мустақиллигига урғу беради:

1. Талабалар бўлган исталган ерда, ҳатто бир талаба бўлганда ҳам, айнаи вақт ва ўша жойда ўқитувчиларнинг бор-йўқлигидан қатъи назар таълим олиш имконияти бўлиши керак.

2. Таълим талабага катта масъулият юклаши керак.

3. Ўқув режаси ёки тизим ҳам талабалар, ҳам ўқитувчилар таълим вазифаларини ҳал қилишга кўпроқ вақт ажратишлари учун ўқитувчилар жамоаси аъзоларини васийлик мажбуриятларидан озод қилиши керак.

4. Таълим тизими фанлар, таълим методлари ва шакллари танлашда таҳсил олувчиларга катта имкониятлар бериши керак.

5. Таълим тизими вазиятдан келиб чиқиб, ўз самарасини кўрсатувчи исталган воситалар ва методлардан фойдаланиши керак.

6. Таълим тизими ҳар бир фан ёки фан ичидаги бўлим энг

самарали тарзда ўқитилиши учун таълим воситалари ва методларини бирлаштириши керак.

7. Таълимнинг танланган воситалари ва технологиялари белгиланиши ва фойдаланиши бўйича бир-бирига мувофиқ келиши керак. Жумладан, турли воситалар ва технологиялар ўрганилаётган фан тузилмаси ва ўқув режасига ҳамоҳанг бўлган ҳолда бир-бирларининг саъй-ҳаракатларини кучайтириши керак.

8. Таълим тизими алоҳида талабалар ҳамда ўқитувчилар ўртасидаги тафовутларга мослашиши имкониятларини таъминлаши ва кенгайтириши керак.

9. Таълим тизими материал ўрганиладиган жой, тезлиги, методи ва ҳатто изчиллигини танлашда талабани чекламаслиги керак. Таълим мақсадларига эришиш йўлида у қанчалик ютуққа эришганини бевосита баҳолаб, талаба ютуғини баҳолаш зарур.

10. Таълим тизими унинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадлари, ҳолатлар, якка хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишни ўзи тўхтатиши ва тиклаши, таълим суръатини танлаши учун талабага имконият яратиши керак.

Ведемейер юқорида санаб ўтилган барча талабларга жавоб берувчи тизимни яратиш учун барча мустақил ва масофавий ўқув дастурларида таҳсил олувчиларнинг эркинлиги тўғрисида улар томонидан таклиф этиладиган учта концептуал қоидани кўрсатади:

1. Ўз суръатида таълим олиш: таълим олиш тезлиги унинг шахсий ҳолатлари ва эҳтиёжларига қараб таҳсил олувчилар томонидан белгиланади.

2. Ўрганиш якка тартибдаги хусусиятга эга бўлиши керак. Таҳсил олувчиларга таълим олишнинг исталган кўп сонли курсларидан бирини танлаш имконияти берилиши керак.

3. Таҳсил олувчилар таълим олишнинг мақсадларини ва ўқув фаолиятининг турларини эркин танлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Онлайн муҳитга тайёр бўлмаган талабалар «онлайн синф»-даги бошқа талабалар ва ўқитувчиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин (Fink, 2002). Кўпчилик ўқитувчилар у ёки бу файл нимага юкланмаётганлигини ёки мулоқот дарчасидан,

ёки кутубхона ресурсларидан қандай фойдаланиш мумкинлиги ёхуд тест вақти учун муддатни қандай узайтириш мумкинлигини талабаларга тушунтириб бериш имкониятига эга бўлмайди. Lynch (2001) талабаларнинг диалог курсларига йўналганлиги ва талабаларнинг ўзаро муносабати ва бошқа онлайн талабалар билан алоқалари уларнинг курсдаги муваффақиятига таъсир кўрсатади деб хулосага келди. «Онлайн-таълим», «онлайн-таълимлар», ва «таълимнинг онлайн-гуруҳи» сингари тизимлар билан ишловчи талабалар кўпроқ муваффақият қозонади (Mason & Weller, 2000; McLoughlin, 1999; Myers, 2001; Myers & Ostash, 2001; Savrock, 2001). Талабаларнинг ижтимоий яққаланиб қолиши масалаларини ўрганган Bennett ва бошқалар (1999) ҳам шундай хулосага келди. Moore ва Kearsley (1996) МТда олиб борилган кўпчилик тадқиқотлар МТ тизимлари билан ишлашнинг таълим масалаларига эмас, балки компьютер, дастурий таъминот, ва Интернет самарадорлигига эътибор қаратди.

Интернет 1991 йилдан бери, онлайн машғулот 1994 йилдан бери фаол қўлланиб келинмоқда, шу сабабли кўпчилик талабалар онлайн машғулотни қандай тўғри ўтказиш ёки Интернетдан қандай фойдаланиш билан таниш бўлмаслиги мумкин. Айнан шу сабабли талабаларни ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш шунчалар муҳимдир.

Немис олими Holmberg МТ тизимдаги ўзаро муносабатга ўз қарашини баён қилди. Унинг концепциясининг моҳияти, таълимни алоҳида олинган бир талаба томонидан билимларни олиш жараёни сифатида қаралади. Олим томонидан ишлаб чиқилган бошқариладиган дидактик мулоқот тўғрисидаги қоида масофадан туриб ўқитишнинг назарий базасига қўшган асосий ҳиссасидир, у буни қуйидагича таърифлайди: «Менинг назариямга биноан яхши ташкиллаштирилган масофадан туриб ўқитиш билим олиш мақсадида йўналтирилган суҳбатни ёдга олади, ва бундай суҳбатнинг оддий фазилатларининг бор бўлиши таҳсил олишни енгиллаштиради». Holmberg еттита «фаразни» келтиради, улар билан у ўз назариясини асослайди:

1. Таълим берувчи ва таҳсил олувчи томонлар ўртасидаги шахсий муносабатларнинг борлигини ҳис қилиш ўқишдан ҳузур олиш имконини беради ва мотивацияни оширади.

2. Бундай ҳис-туйуғулар масофадан туриб ўзи ўрганиши ва икки томонлама мулоқот қилиши учун яхши тайёрланган материалларни рағбатлантириши мумкин.

3. Интеллектуал ҳузур олиш ва таълимнинг мотивацияланганлиги, ўқув стратегияси ва методикасининг тўғри танланиши таълим самарадорлигини оширади, қўйилган мақсадларга эришишни енгиллаштиради.

4. Дўстона мулоқот муҳити, тили ва шартлилиги 1-фаразга мувофиқ шахсий муносабатлар борлигини ҳис қилишга кўмаклашади.

5. Сухбат шаклида юбориладиган ва қабул қилинадиган хабарлар нисбатан енгил тушунилади ва эслаб қолинади.

6. Сухбат ёндашуви масофадан туриб ўқитишда фойдаланиладиган воситалар учун муваффақиятли мослаштирилиши мумкин.

7. Таълим берувчи ташкилот ёки талаба томонидан амалга ошириладиган, аниқ ифодаланган ёки аниқ ифодаланмаган мақсадларни ифодаловчи таълимнинг яхши ташкил этилган жараёни пухта режа ва бошқарувсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Holmberg томонидан айtilган бошқариладиган дидактик мулоқот ўзига хослиги қуйидаги хусусиятларга асосланади:

1. Ўрганилаётган фанга кириш курси осон тушуниладиган; маълум даражада сўзлашувнутқидан фойдланилган, осон идрок этиладиган ёзма нутқ шакли қўлланилган; ўртача мураккабликдаги ахборот тақдим этилган бўлиши лозим.

2. Нимани бажариши ва нимани бажармаслиги, асосий эътиборни нимага қаратиши кераклиги тўғрисида талабага бериладиган аниқ ифодаланган ва мустаҳкамланган маслаҳат ва таклифлар.

3. Талабанинг ўз фиклари билан ўртоқлашиш, саволлар бериш, ўз фикрини билдириш, изоҳлар бериш истагини рағбатлантириш.

4. Ўрганилаётган муаммога шахсий қизиқиш уйғотиш учун талабада ҳиссиёт уйғотиш.

5. Мен, менинг, сиз, сизлар сингари шахсий ва эгалик олмошларни фаол қўллаш туфайли ҳикояларни шахсийлаштириш.

6. Тегишли фикрлар, типографик усуллар ёрдамида ёки, агар сўз оғзаки ҳикоя ҳақида бораётган бўлса, гапирувчини алмаштирган ҳолда (эркак кетидан аёл) ёки пауза орқали (мазкур банд кўриб чиқиладиган ёндашувнинг суҳбат хусусиятига қараганда мулоқотни бошқаришга тааллуқли) ўрганиладиган мавзунини ўзгартириш ҳудудларини аниқ белгилаб олиш.

МТнинг турли воситалари орқали «ўқитувчи ва талаба» алоқаси ўрнатилди. Интернет (эл. почта) орқали хат ёзиш, ва чатлар, ўқитувчи томонидан талабага турли материалларнинг берилиши (маърузалар матни, тақдимотлар, фото- ва кино-материаллар ва бошқалар), телеконференциялар, билимларни масофавий тест синовидан ўтказиш шулар жумласидандир.

Кўпчилик университетларда «ўқитувчи-талаба» чати ҳам фаол амалиётга татбиқ этилади, унда онлайнда талаба ўқитувчининг консултацион ёрдами олиши ёки муҳим муаммоларни фаол муҳокама қилиши мумкин. Боз устига бундай минителеконференцияда бир қанча талаба ва ўқитувчилар иштирок этиши мумкин.

МТ тизимида билимлар олиш манбалар ва имкониятлари

Билим олиш методлари ва воситалари	Манбалар ва шартношчиликлар		
	Ўқитувчи	Ассистент	Маълумотлар базаси
«Ўқитувчи-талаба» чати	Махсус белгиланган вақтда ўқитувчи ва талабанинг Интернет орқали фаол интерактив мулоқоти	Жавоблар тайёрлашда ва материаллар танлашда ёрдам бериш	Диалог вақтида тегишли мавзу ва манбаларга ҳаволалар
Электрон дарсликлар базасига муурожаат қилиш	Электрон дарсликлар маълумотлар базасига манбалар бўйича ҳаволалар, тавсиялар бериш	Электрон дарсликларни шакллантириш	Электрон дарсликлар маълумотлар базаси (матнлар, мультимедиа, видео, аудио, расмлар, фото ва бошқалар).

Маълумотнома-методик адабиётлар базасига мурожаат қилиш	Талабалар учун маълумотнома-методик адабиётлар танлаш	Ўқитувчи тавсиялари бўйича маълумотнома-методик адабиётлар танлаш.	Маълумотнома-методик адабиётлар маълумотлар базаси
Илмий ва техник адабиёт маълумотлар базасига мурожаат қилиш	Талабалар учун илмий ва техник адабиётлар танлаш	Ўқитувчи тавсиялари бўйича илмий ва техник адабиётлар танлаш.	Илмий ва техник адабиётлар маълумотлар базаси
Мультимедиявий ахборот маълумотлар базасига мурожаат қилиш	Мавзу бўйича талабалар учун видео, аудио, график материаллар танлаш	Мавзу бўйича талабалар учун видео, аудио, график материаллар танлаш	Мультимедиявий ахборотлар маълумотлар базаси
Тестлар маълумотлар базасига мурожаат қилиш	Тест синовидан ўтказиш ва тавсиялар натижаларини таҳлил қилиш	Тест синовидан ўтказиш ва тавсиялар натижаларини таҳлил қилиш.	Тестлар маълумотлар базаси

7. МТ ТИЗИМИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш МТни ҳуқуқий таъминлашда муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда нафақат техник ёки ахборот, балки юридик ва ахлоқий муаммолар юзага келади. МТ ахбороти ушбу технологияда таълим олиш бутун жараёнининг энг қиммат қисми ҳисобланади. Ўқитувчи, унинг ассистентлари электрон дарсликлар, тестлар маълумотлар базалари ва бошқа контентларни яратиш учун ойлаб ва йиллар сарфлаши кўп учрайди. Бу мураккаб қиммат жараён бўлиб, катта интеллектуал куч ва вақтни талаб қилади. Электрон дарсликлар муаллифнинг хабарисиз МТ тизимининг маълумотлар базасига киритилиши кўп учрайди.

Муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши нафақат электрон ўқув материалининг сифатига, балки университет коллективи

ичидаги муносабатларга, ўқув курслари ва дастурлари ривожига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Унинг ақлий меҳнати унинг ижозатисиз, унинг кўмагисиз фойдаланилаётганини билган ўқитувчи бундай ресурслар яратилишига қизиқишини йўқотади. У МТ тизимида янги электрон ўқув материалларини яратиш рағбатидан айрилади. Ҳеч бир маъмурий чора-тадбирлар агар электрон ресурслар муаллифи қизиқишлари ҳисобга олинмаса, керакли самара бермайди.

Кўпчилик мамлакатларда барча ҳуқуқий жиҳатлар «Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида»ги қонунда айтилган. Кўп ҳолатларда ушбу қонун муаллифлик ҳуқуқи эгаларига ҳаёти давомида ва улар вафот этгандан кейин 50 йил мобайнида уларнинг меросхўрларига муаллифлик ҳуқуқларидан фойдалани имкониятини беради. Муаллифда ўзи яратган асардан исталган шаклда ва исталган усулда фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ мавжуд бўлади. Яъни муаллиф ўзининг асарларини ўзи рақамлаш, маълумотлар базасида сақлаш, Интернет орқали тарқатиш ёки тарқатмаслик рухсат бериши ёки бермаслиги мумкин – бу унинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи бор шахс:

- исталган форматда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарни яратиш; асар устида ишлаш;
- уларни нусхасини кўпайтириш ва сотиш имкониятига эга бўлиш,
- ижарага бериш, ёки совға қилиш;
- муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган асар тақдиротини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Marcus v. Rowley (1983) ҳатто агар сотувчига ҳеч қандай фойда келтирмаса ҳам муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган ўқув материални сотишни ноқонуний деб эътироф этади. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун аниқ ва тушунарлидир: бошқалар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган асарларни чоп эта олмайди. Шунга қарамай, кўпчилик университетларда «адолатли фойдаланиш доктринаси» қўлланади. «Адолатли фойдаланиш» ўқув жараёнида қуйидаги ҳолатларда муаллифлик ҳуқуқи бор шахснинг махсус рухсатисиз муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган материаллардан фойдаланиш имконини беради:

- бу асарнинг рақобатбардошлилигига зарар етказмайди,
- асарнинг асл нусхасининг бир қисмидангина фойдаланилади,
- бу унинг энг катта қисми эмас,
- бу таълимни таъминлаш билан боғлиқ систематик ўқув фаолиятининг бир қисмидир
- бу ўқув аудиторияси доирасида фойдаланилади.

Муаллифлар муайян бир муддатга тўлиқ ставкага олий ўқув юртининг ўқитувчиси сифатида ёлланганда, уларнинг ишга олинишига «ёлланиб ишлаш» тарзида қаралади ва шу ўқув юрти нашр этилган санадан бошлаб 75 йил мобайнида ёки асар яратилган санадан бошлаб 100 йил мобайнида (Janes, 1988) уларнинг асарларига (маърузалар, лаборатория ишлари, ўқув-методик асарлар ва ҳоказолар) эгалик қилишга ҳақли. Соатбай ишлайдиган ўқитувчилар юридик нуқтаи назардан шартнома асосида хизмат қилувчилар каби ёлланиб ишламайди ва ўзларнинг ишларига ўзлари эга бўлиши мумкин. Тегишли равишда ушбу масалалар уларнинг шартномасида келишилган бўлиши мумкин. Ўқитувчилар тўлиқ ставка билан муайян факультетга таалуқли бўлади ва барча ҳуқуқлар маъмурият билан келишиб олинади.

Муаллифлик ҳуқуқи, ахборот ресурсларидан «адолатли фойдаланиш» ва ёлланиб ишлаш масалалари онлайн таълимнинг ушбу даврида қайта кўриб чиқилади. Ўқитувчилар ҳатто бу ҳар доим ҳам бундай бўлмаса-да улар ўз ишларининг «эгалари» деган ғояга ўргатилган. Ўқитувчилар ўз иш ўринларини ўзгартирганида, улар ҳар доим ўзларининг методик материални ўзлари билан олиб кетади. Улар маърузалар режаларини бемалол беришлари мумкин. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги амалдаги қонунни ҳисобга олган ҳолда, шунга қарамай, ўқитувчи-ўринбосар иккита алоҳида ўқув юртларида таълим беришда ўша маърузалардан фойдаланиши мумкин, бироқ тўлиқ ставкада ишловчи ўқитувчи юридик жиҳатдан бундай қилолмайди. Бу шунингдек онлайн курсларга ҳам таалуқли. Улар штатдаги ўқитувчи томонидан яратилганда муассасага тегишли. Курслар онлайнга қўйилиши сабабли муассаса муаллифлик учун уларнинг ҳуқуқларни талаб қилишни бошлайди. Штатдаги ўқитувчилар агар

улар махсус равишда бу ҳақда келишиб олмаган бўлса, уларнинг асарларига нисбатан ҳеч қандай ваколатга эга эмас.

Лойер Корин Мак Шерри Youngга (2001) берган интервьюсида ўқитувчилар муаллифлик ҳуқуқлари муаммолари тўғрисида келишиб олаётганларида эҳтиёт бўлишлари кераклигини таъкидлайди, чунки бу уларнинг фаолияти эркинлигига таъсир қилиши мумкин. Ўқитувчилар муаллифлик ҳуқуқи масалалари юзасидан саводли бўлишлари керак (Simpson, 2001; Weigel, 2000). Ҳеч бир қонуний асослар ва юридик кейслар (масалан, ҳолатлар тўплами) муаллифлик ҳуқуқига тааллуқли ва муаллиф ва университет ўртасида турган барча саволларга тўлиқ жавоб бера олмайди. Шу сабабли барча шарт-шароитлар келишиб олинган улар ўртасидаги яккама-якка шартнома энг ишончли ҳисобланади.

«Адолатли фойдаланиш» доктринаси МТ тизимида ишловчи ўқитувчилар учун рағбат берувчи куч саналади. Аввал ўқитувчилар мақолалар камида 2 500 сўздан ёки асар асл нусхасининг 10 фоизидан иборат бўлганда мақолаларни кўчириши ва тарқатиши мумкин эди. Улар бир тасвири, диаграммани, расмни кўчириши, ёки бир муаллифнинг кўпи билан иккита схематик тасвиридан фойдаланиши мумкин эди. Кўчирилган материалдан фақат бир курс учун фойдаланиларди (Simpson, 2001). Онлайнда ахборот катта ҳажмда тақдим этилиши туфайли ўқитувчилар ва талабалар нотўғри тасаввурга эга бўлиши мумкин, яъни бу асар чеклашларсиз эркин фойдаланиш учун берилади. Аслида бўлса, агар бирор бир мақолалар ёки тасвириларни жойлаштирувчи сайт улар ҳисобига реклама фойдасига эга бўлса, у ҳолда ушбу ишлардан фойдаланиш рақобатбардошлик масалаларига дахл қилиши мумкин ва шу сабабли муаллифлик ҳуқуқи бузилиши сифатида қаралиши мумкин.

Яқин пайтгача муаллифлик ҳуқуқи масалалари онлайн машгулотларда видео, ёки мусиқий клиплардан фойдаланувчи факультетларни катта ташвишга соларди (Technology, Education and Copyright Harmonization (TEACH) Act, 2001). Аввал айтилганидек, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун ушбу клиплардан синф, хона (аудитория)да фойдаланиш имконини берди. Бу айни бир клип ҳатто агар муаллифлик

ҳуқуқи тўғрисида тегишли хабарга эга таълим мақсадлари учун ҳам онлайнга берилмаслигини назарда тутди. АҚШда 2001 йил мартда факультет аъзоларига анъанавий курсларда уларга узоқ вақт рухсат этилган муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган ишларлардан онлайн курсларда фойдаланиш имкониятини бериш учун қонунчилик органларига тақдим этилди. Драматик ва мусиқий асарлар бўлса, қонунчилик муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган материалларни фақат рухсат этилган талабалар кўришига ишонч ҳосил қилиш учун парол сифатида хавфсизлик ва кафолатлар маблағларини талаб қилади.

Муассасалар ўз ўқитувчиларининг ақлий мулки ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари керак. Шу сабабли, муаллифлик ҳуқуқи масалалари бўйича сиёсатни белгилаётиб, муаммолар келиб чиқмасдан олдин уларни ҳал қилиш зарур (Gasaway, 2002).

ХУЛОСА

МТ тизимига ўтиш ва уни ривожлантириш бўйича илгор тажрибалар ва тадқиқотлар таҳлили қуйидаги муҳим хулосаларни чиқаришга имкон яратди:

- МТ тизимига ўтиш таълим фаолиятининг турли йўналишларида тубдан ислохотларни талаб қилувчи муҳим қадам ҳисобланади. МТ тизимига ўтиш тўғрисидаги қарор қуйидаги етти муҳим жиҳатларни қамраб олиши керак бўлган тизим ёндашувини талаб қилади: 1) стратегик режалаштириш; 2) ахборот таъминоти; 3) ўқув дастурлари; 4) кадрларни қайта тайёрлаш; 5) талабаларга кўрсатиладиган хизматлар; 6) масофавий таълим тизимида талабаларни ўқитиш; 7) Масофадан туриб ўқитиш тизимида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

- МТ тизимини пухта стратегик режалаштириш зарур, у ерда ташкилий тузилмадаги молиявий жиҳатлар ва ўзгаришлар, талабалар, ўқитувчилар сўровлари ҳисобга олиниши керак. Режалаштириш, штат, технология, талабалар хизматлари ва таълим учун, бир сўз билан айтганда муассаса эҳтиёжларига жавоб берувчи МТнинг барча соҳалари бўйича бюджетни мувофиқ тузишни ҳисобга олиши зарур. Режалаштириш нима учун ўқув юрти МТни жорий этмоқчи деган муҳим саволга жавоб бериши керак. МТни қўллаб-қувватловчи дастурлар, технология, штат, муассаса учун шубҳасиз қимматбаҳо иш ҳисобланади. МТни тегишлича режалаштиришда хатоликлар ва камчиликлар ҳам, бюджетни тақсимлаш ва ўзлаштиришда ҳам бошқа масалаларда кўшимча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

- МТ тизимларида билимлар манбаларининг сифати ва долзарблиги энг биринчи ўринларга қўйилиши керак. Манбаларнинг мазмуни мазкур фан соҳасини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ўзида мужассамлаштирган ва мунтазам равишда янгилаб бориладиган манбаларга таяниши керак.

- Зарур манбалар, электрон дарсликлар, китоблар, мақолалар ва ҳоказоларнинг самарали изланишини таъминлаш библиографик ва бошқа ахборот тақдим этишнинг халқаро

форматларига ва илғор технологияларига риоя қилувчи қидирув воситаларига таяниши керак. Тегишли равишда ахборот материали тузилмаси МТ тизимида уларни тавсифлашнинг илғор методларига мос бўлиши керак.

- МТ дастуридан МТ орқали таҳсил олувчи талабаларга хизматлар кўрсатиш сингари муҳим жиҳат тушиб қолмаслиги лозим. МТ орқали таҳсил олувчи талабалар билим олиш жараёнларидан маҳрум қилинмаслиги ва анъанавий таълим тизимларидаги талабалар сингари имкониятга эга бўлиши керак. Бунинг учун маъмурият ва профессор-ўқитувчилар онлайн маслаҳатлашувлар, яккама-якка машғулотлар сингари онлайн хизматлар кўрсатишнинг турли механизmlарини яратишга ва ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериши зарур.

- МТ мазмунини тузишда нафақат ўқитувчилар материалларининг сақлаш сифати ва жойлаштириш шакллари, балки муаллифлик ҳуқуқлари масалаларини олдиндан назарда тутиш зарур. Материал рақамли форматга айлантирилиб, онлайнга қўйилади, агар муаллифнинг барча ҳуқуқлари тегишли шартнома мажбуриятларида келишиб олинмаган бўлса, бу масалани ҳал қилиш қийин кечади. Янги электрон ахборот манбаларини ишлаб чиқишнинг маъмурий методлари муаммоларни ҳал қила олмайди, баъзида эса ижодий жараёнга зарар етказиши ва ўқитувчиларнинг МТ учун ахборотларнинг янги манбаларини яратиш истагини йўққа чиқаради.

- МТни режалаштиришда ҳам ўқитувчиларни, ҳам талабаларни янги технологияга ўқитиш долзарб вазифа ҳисобланади. Таълимнинг янги шаклларига ўтиш учун консерватив ўқитувчилар қаршилигига бас келиш учун самарали воситаларни топиш зарур бўлади. Анъанавий таълим тизимига нисбатан МТнинг жиддий устунликлари, таълимнинг янги технологиясини ривожлантириш истиқболлари асосли тарзда исботланиши зарур. Таълим шартлари ва воситалари ўзлаштириш учун қулай ва оддий, ўртача даражадаги таҳсил олувчига мўлжалланган бўлиши керак.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР

АУДИО ВА ВИДЕО ҶЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ – бу магнит ташувчиларга (аудио ва видеокасеталар) ёзилган материаллар бўлиб, улар ўқувчига магнитофон, видеомагнитофон ёки лазер компакт-дисклари CD-ROMлар ёрдамида тақдим қилинади.

БАЗАВИЙ ҶЎҚУВ ЮРТИ – ўзининг ўқув режалари ва методикалари бўйича таълим берувчи ва таълим тўғрисида (сертификат, гувоҳнома, диплом) ўз ҳужжатини (унинг талаблари тўлиқ бажарилганда) берувчи ўқув юрти.

БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ – Китоблар, журналлар, мақолалар ва кутубхонада сақланадиган бошқа ҳужжатлар библиографик тавсифи элементларидан иборат маълумотлар базаси.

МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ (data base) – Амалий дастурлардан мустақил бўлган, тавсифлашнинг умумий тамойилларини назарда тутувчи, аниқ бир қодалар асосида ташкил қилинган, маълумотларни сақлаш ва манипуляция қилиш имкониятига эга маълумотлар мажмуи. Маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари ёрдамида маълумотлар базаси мурожаат қилинади.

МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ (databank) – маълумотларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш ва улардан жамоавий фойдаланишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими. Маълумотлар банки таркибига, бир ёки бир қанча маълумотлар базалари, маълумотлар базаси маълумотномаси, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, шунингдек сўровлар ва амалий дастурлар кутубхоналари киради.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН КУТУБХОНА (automated library) – кутубхона функциялари ва ахборот-кутубхона хизматлари асосан автоматизация (шахсий компьютер, сервер-

лар, ташкилий техника воситалари, дастурий комплекслар) ва телекоммуникациялар воситалари ёрдамида амалга ошириладиган кутубхона.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА (electronic library) – ахборотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими билан боғлиқ электрон кутубхона каталоглари ва аннотация қилинган тўлиқ матнли маълумотлар базасининг мажмуи.

ВИРТУАЛ КУТАБХОНА (virtual library) – ахборот алмаштиришда мос ассоциатив алоқаларига эга тақсимланган электрон кутубхоналар тизими.

ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК – реал қилиб кўрсатувчи мультимедияда овозли, тактил ва томоша эффекти.

ВИРТУАЛ УСТАХОНА ВА ЛАБОРАТОРИЯ СТЕНДЛАРИ - Устахона ва лаборатория стендлари қурилмаларининг компьютер-имитация моделлари. Ундаги реал ўқув-тадқиқот қурилмаси математик моделлаштириш воситалари билан тақлим этиладиган ўқув лабораториясининг компьютер модели.

МТга ВИРТУАЛ ЭКСКУРСИЯ – Мустақил кузатиш, зарур далилларни тўплаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида реал мавжуд объектларнинг (музейлар, боғлар, наҳарлар кўчалари ва б.) виртуал акси билан реал экскурсиядан ажралиб турувчи масофадан туриб ўқитишнинг ташкилий шакли.

ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – масофадан туриб ўқитиш шароитларида ахборот-таълим муҳити, таълим муассасасини маъмурий бошқариш блоки мажмуи.

ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ВИРТУАЛ ВАКОЛАТХОНАСИ (ВВ) – базавий ўқув юрти ўқув дастурлари бўйича Интернет тармоғи орқали ўқув жараёнини ташкил этишни таъминловчи сервис хизматларининг намунавий тўпламини амалга оширувчи дастурий комплекс.

ВИРТУАЛ АУДИТОРИЯ (ТАҲСИЛ ОЛУВЧИЛАР СИНФИ, ГУРУҲИ) – масофадан туриб ўқитиш шароитларидаги ўқув-тарбия жараёнида таҳсил олувчилар гуруҳини ташкил қилиш.

МАСОФАДАН ТУРИБ ЎҚИТИШ – таълим ахборотларидан (маърузалар, электрон дарсликлар, маълумотнома ва бошқалар) фойдаланишни таъминлаш ва таълим олувчининг макон ва вақт нуқтаи назаридан жойлашган жойидан қатъи назар ўз билимларини текшириш (шу жумладан тест синовидан ўтказиш) учун кенг қўламли ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган таълим методи. МТ ўқитувчи ёки ушбу ўқув юрти томонидан сертификатланган шахс билан масалаҳатлар олиш учун масофадан туриб ўқитиш имкониятини ҳам назарда тутади.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ – масофадан туриб ўқитиш воситасида амалга ошириладиган таълим. Бу таҳсил олувчи томонидан муайян таълим шартига эришиш ва тасдиқлаш учун масофадан туриб ўқитиш жараёни амалга ошириладиган тизимдир, бу эса унинг кейинги ижодий ва (ёки) меҳнат фаолиятига асос бўлади.

АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИ (АТМ) – ўқув жараёнини олиб боришнинг ягона технологик воситаларини, уларнинг касбий ихтисослиги ва таълим даражасидан қатъи назар уни ахборот билан қўллаб-қувватлашни ва ўқув юртларининг ис-талганини Интернет муҳи-тида ҳужжатлаштиришни таъминловчи дастурий-телекоммуникацион муҳит.

МТнинг АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИ – маълумотлар етказиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро муносабат олиб бориш протоколлари, аппарат-дастурий ва ташкилий-методик таъминотнинг тизимли ташкил этилган мажмуини ўзида ифода этади, ва фойдаланувчиларнинг таълим эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

ИНТРАНЕТ (intranet) – Интернет маҳсулотлари ва технологияларидан фойдаланувчи ва ўз фойдаланувчиларини кор-

поратив ахборот ресурсларидан телефойдаланиш билан таъминловчи (ташкilotнинг, корпарациянинг) тақсимланган идоравий ҳисоблаш тармоғи;

МТ ахборот-таълим муҳити (МТ АТМ) — Маълум курс/ўқув фани/мутахассислиги бўйича, ёки таълим муассасасининг тасдиқланган дастури бўйича сифатли таълим олиш учун етарли бўлган масофадан туриб ўқитиш воситалари тизими, ўқув материаллари, лугатлар, қўшимча адабиётлар, ўқув жараёнига мос келувчи барча материаллар, шунингдек уларни ишлаб чиқиш, сақлаш, етказиш ва улардан фойдаланиш воситалари.

ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ — ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш асосида ахборот эҳтиёжларини қондириш ва фуқаролар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкilotлар, ижтимоий бирлашмалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мақбул шарт-шароитлар яратишнинг ташкил этилган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёни.

Таълимни ахборотлаштириш жамиятни ахборотлаштиришнинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади.

Таълимни ахборотлаштириш:

- жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун билим ва ахборот олишни таъминлаш;
- шахснинг ақлий ва ижодий истеъдодларини ривожлантириш;
- жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг фаол даврида малага ошириш ва фаолият соҳасини тезлик билан ўзгартириш;
- олий даражада таълим олиш ва МТ самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш имконини беради. Таълим дасурлари ва хизматларидан фойдаланиш учун қуйидаги ахборот технологияларидан фойдаланилади:

маълумотларни қайта ишлашнинг ахборот технологиялари маълумотларни гуруҳларга бўлиш, тартиблаш ва ҳисоблаш учун мўлжалланган;

бошқарувнинг ахборот технологиялари таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқариш билан алоқадор бўлган

МТнинг барча иштирокчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган;

